Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 21 ноябр | 24- сон

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ИШОНЧНИНГ ОРТИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГЕРМАНИЯДА БЎЛИШИ

Яхши билан юрсанг, етарсан муродга...

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Херцог «Хамершмидт» саройида бўлган учрашув пайтида. Бонн 1995 йил 16 ноябр.

Бугун негадир мақоллар сўйлагим келаётир. Мунажжимлар айтадиларки, ҳар бир одамнинг бахт кулиб боққан дамлари бўлади. Бахт билан бахтсизлик ҳамиша бир-бирини тарбиялайди. Билмадим, қандоқ. Лекин барча одамлар буни ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқибми, тўғри деб тасдиқлайдилар.

Ундоқ бўлса, мамлакатларнинг тақдирлари ҳам одамларнинг тақдирларига ўхшаб кетади. Мамлакатларнинг юксалиш ва нисбатан чўкиш онлари бўлади. Бу онлар қанча давом этишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Аммо шуниси аёнки, чўкишда юксалиш ва юксалишда чўкиш аломатлари яшириниб ётади.

Германия 1933 йилдан 1945 йилгача фашизм азобини ва унинг оғирдан оғир уқубатларини тортди. Фашизм қисқа муддат ғалаба қозониб, Германияда ўтган энг юксак ақл эгаларининг барча меҳнатлари, фикрий улуғликларини барбод қилгандай бўлди. Лекин Германия мушкул сабоқлардан тўғри хулосалар чиқарди. Фашизм эмас, ақлий заҳиралар ғолиб чиқди. Мамлакат, бутун халқ бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб равнақнинг энг тўғри, энг рационал йўлини танлади. Бир неча ўн йил ичида жаҳоннинг юксак ривожланган буюк давлатлари қаторидан ўрин олди.

Ақлий тажрибалар, юксак ҳаёт малакалари халқнинг онгида тахланиб турса, ҳар қандай сиёсий шароит, ҳолатда ҳам, улар ўз тўғрилиги ва тараққиётга кучли майлларини сақлар эканлар. Бошқаларга қандай туюлади билмадим-у, лекин назаримда Германия уруддан кейин тўлалигича Зардўштнинг тўғри сўз, тўғри иш, тўғри муносабат деган қоидасига амал қилди. Сўзлар сўзлигича қолмади, бутунлай ва ялпи маънода ишга, амалга айланди. Истисносиз барча соҳаларда, ҳаёт ва яшашнинг барча катта-кичик жабҳаларида шу уч нарса ҳар томонлама юзага чиқди.

Немислар фикрнинг қудратини бошқалардан кўра теранроқ англайдилар, бошқалардан кўра фикрни теранроқ қадрлайдилар. Ғоя туғилдими, уни бир ёқадан бош чиқариб ҳаётга олиб кириш йўлларини излайдилар ва излабгина қолмайдилар, доим топадилар ҳам, топмагунча қўймайдилар ҳам.

Ўзбекистон оқ ва қизил чоризм нималигини ҳаддан ортиқ кўп кўрди, билди, бошидан кечирди. Хонликларнинг уч юз йиллик бешумор таназзуларини ҳам тупроққа тенг бўлиб кўз ўнгидан ўтказди.

Ниҳоят XX аср охирига келиб унга бахт-иқбол кулиб боқди. Мамлакат жуда узоқ давом этган таназзуллар исканжаларидан қутулиш палласига кирди.

Мамлакатнинг юлдузи балқди.

Империя қулаганда, бошқа яқин-узоқ қўшнилар каби унинг қонли чанг-тўзонларига ғарқ бўлиб бошини чангаллаб ўтирмади. Сергак ғайрат, эҳтиёткорлик, ақлирода қувватларини ишга солиб ҳаракат йўлини танлади.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Германияниг атоқли раҳбарлари, президент Роман Херцог билан юзма-юз, тенгма-тенг туриб ҳам Германия — Узбекистон, ҳам жаҳон равнақига дахлдор масалаларни ечиш устида биргаликда йўллар топиб, музокараларда энг маъқул натижаларга эришаётганликларини кўрганда, ҳар қандай холис одам дунё бугун яхши томонга ўзгараётганлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Калтабин бўлмайлик.

Ахир куни кечагина, айтайлик, тўрт-беш йил олдин, ўн-ўн беш йил олдин, етмиш йилд олдин, юз-икки юз йил олдин шундай бўлиши мумкинмиди?

Тарихдан хабардор одамлар яхши эслайдилар. Ўтган асрдагина эмас, XX асрнинг биринчи чораларида ҳам, Ўрта Шарқ мамлакатларининг мустақил яшаш-яшамаслигини фақат ўша пайтдаги Англия, Германия, Франция, Россия сингари буюк давлатлар ўзаро турли шартномалар тузиб ҳал қилиб келган эдилар. 1918 йилда Совет билан Германия ўртасида тузилган тинчлик шартномаси ёдингиздадир. Унинг 7-бандида чунончи, «Эрон ва Афғон давлатлари мустақил бўлишлари керак ва у ёки бу давлатга қарам бўлмасликлари лозим», деган сўзлар ёзилган эди. Бир савол туғилади: улуғ давлатлар узоқда туриб бошқа давлатларнинг қандай яшаш-яшамасликларини белгилаган эканлар, нега Афғон ва Эрон билан бир турли шароитда турган Туркистонга нисбатан бундай адолат қилмадилар? Нега Эрон, Афғон мустақилликка муносиб кўрилди-ю, Туркистон бунга лойиқ топилмади?

Мен бу гапларни дунё қанчалар яхши томонга ўзгариб кетганлигини яна бир карра таъкидлаш учун, ўтмишга ҳам, бугунга ҳам баҳо берганда, ҳеч қачон калта ўйламаслик учун эслаяпман.

Германия ҳам, Англия ҳам, Франция ҳам ва қолаверса, эндиликда Россия ҳам бутунлай бошқа. Уларда демократия ва ҳуқуқлар тўла, ҳеч қандай ортга қайтмас бўлиб амал қилмоқда.

Жаҳон тараққиёт йўлини танлади ва тинчликка баробар келадиган бошқа бирон йўл йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилди.

Мана шу кичкина бир мисолнинг ўзи ҳам, Узбекистоннинг саодат юлдузи бугун энди ҳеч қачон ботмас бўлиб кўкка балққанлигини равшан кўрсатади.

x x x

Бугунги Германия... бу — унинг энг яхши фарзандлари орзу қилган Германия, Шиллер, Гете, Гейне, Гегел, Ницше орзу қилган Германия... Улар шундай Германияни севар ва шундай Германияда яшашни истардилар. Немисларнинг бугунги авлоди улар ва улар қаторида неча минглаб немисларнинг буюк ақл эгалари хаёл қилган Германияни қурдилар.

Бу ажойиб-ғаройиб Германия Ўзбекистон Президентини ва унинг тимсолида озодликка чиққан бутун ўзбек халқини қанчалар ҳурмат-эътибор билан кутаётганлиги, ишонч билан қараётганлиги ва ҳар соҳада ёрдам беришга, ўзи эришган тараққиёт самаралари билан ўртоқлашишга ҳозир эканлигини кўриб Ўзбекистон юлдузи уфқлардан кўтарилиб келаётганлигининг бир нишонаси ахир шу эмасми! — деб фахрланмай илож йўқ.

Немислар билан илк бора яқиндан танишиш, уларни яқиндан кўриш, кузатиш шарафига муяссар бўлиб, чунончи, улуғ адиб Томас Маннинг «Доктор Фаустус» романида бир қаҳрамон тилидан айтилган шу сўзларни эладим. У айтади: «Ахир сен ҳеч эшитмаганмисан немис тикланиши, немис изланишлари, немис моҳиятининг чексиз олис йўлларни босиб ўтишлигини? Нима демагин, немис бошқа халқлар орасида мангу талаба, мангу изловчидир». Мен бу ҳайратомуз сўзларни дафтаримга ёзиб қўйган эканман. У қаҳрамон яна шундай ажойиб бир фикрни айтади: «Навқирон бўлмоқлик бу — онадан янги туғилгандай бўлмоқликдир ва ҳамон ҳаёт бошланишининг манбааларида турмоқликдир ва демак, ўрнидан туриб, ўз елкасидан чириган ўтмишнинг исканжаларини улоқтириб ташлашга кучқувват топмоқликдир, бунга кўпларнинг ҳаётий жасоратлари етмаслиги мумкин, мен яна бир карра ҳаётнинг азалий қучоғига шўнғимоқни назарда тутяпман...»

Биз Европадан бугун нималарни ўрганишимиз керак? — деган савол ҳар биримиз олдида кўндаланг турибди. Тараққиётнинг қонунияти шундайки, биз Европа босиб ўтамиз. Лекин гап имилламасликда. Сусткашлик қилмасликда. Ўз қобиғига ўралиб ўтирмсликда. Европа ахлоқини ялангочлик ахлоқи деганлар қаттиқ янглишадилар. Тўғри, ялангоч ахлоқ ҳам йўқ эмас. Лекин европаликлар ва хусусан, немислар уятчан бўлмоқчи бўлсалар, энг уятчан бўлоладилар. Энг олий ахлоқ йўлларига тўла риоя қила оладилар. Улар ўзларини Томас Манн қаҳрамони топиб

Давоми иккинчи бетда

1993 йилда ёш мустақил давлатлар Президентлари Тошкентда учрашиб, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг янги саҳифасини очдилар.

Бугун Тошкентда «Туркистон» саройида Туркистон халқлари маданияти форуми иш бошлайди.

АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.

АВЛОДЛАР САДОСИ

Муқаддас тупроғимиз Туркистон. Ўз тарихида бошидан нималарни кечирмади. Бу ерда кимлар яшамаган, нималар қилмаган. Бу азиз ўлкамиз осмонга устун бўларли алломалар берган. Уларнинг номлари минг-минг йиллардан бери тилларда. бу ўлкада қондош-қариндош, бир маънавий манба ичра етишган турли халқлар: ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур халқларининг авлод-аждодлари яшаган. Улар ҳамиша дўст бўлиб, ака-укалардек яшаганлар. Узоқ-узоқ асрлардан бери келаётган тарихимизни варақлаб кўринг. Бу халқларнинг дўстлигини, иноқ яшаганлигини тасдиқловчи ҳодисалар қатлам — қатлам бўлиб ётибди. Уларни ўрганиб ҳозирги авлодларимизга етказиш ҳавсала билан мунтазам ишлашни талаб этади.

Мустамлакачилик даврларини бошдан кечирдик. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетди. Яқин-узоқ ўтмишда яшаб ижод қилган турли жанр санъаткорлари тожикларда ҳам, ўзбекларда ҳам, қозоқларда ҳам, қирғизларда ҳам, туркманларда ҳам қорақалпоқларда ҳам шу халқларнинг бирлиги, дўстлиги ҳақида куйиб-ёниб асарлар тўқиб, куйлар куйлаб овозини борича оламга жар солиб авлодларимизни бирликка, дўстликка чақирганлар. Бутун ижодини, умрини шу туркий халқлар бирлигига, дўстлигига бағишлаганлар.

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули, Машраб, Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Залилий, Камина, Абай, Бердак, Ажиниёз, Тўқтағул, Туғалоқ Молдо, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Маҳмуд Ҳўжа Беҳбудий, Чўлпонларнинг халқларимиз бирлиги, эркинлиги, мустақиллиги ҳақидаги баланд, самимий овозлари ҳалиям янграб турибди. Буни тушуниш учун жиддий ўйлаб, мулоҳаза қилиб, фактларни, замонларни бир-бирига солиштирсанг, сенга аён бўлади. Бу юқорида номлари зикр қилинган мўътабар сиймолар ўз халқларининг содиқ фарзандлари бўлган, улар ўз ҳаётий фаолиятида халқининг тилак-орзуларини ифода этганлар. Шунинг учун ҳам у мўътабар шахсларни халқларимиз ўзларининг муносиб фарзандлари деб келганлар.

Мустақилликни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, республикаларни ўстириб, жаҳоннинг фан-техника, маданият тараққиётида юксакликка эришган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун бор кучини аямай сарфлаб меҳнат қилиш асосий бурч эканлигини ҳар бир киши билиши керак.

Ўлкамиз тупроғидек серунум тупроқ ер сайёрасида кам учрайди. Озгина ҳафсала билан ишлаган ҳар бир одам йилига икки, уч ҳосил ола билади. Лекин қилинаётган ишларни мавжуд имкониятларга солиштирсангиз, ғоят оз. тинч яшаш ҳам, тўқ яшаш ҳам ўз ақлимиз, ўз қўлимизга боғлиқ, соғлом инсоний ҳаёт талаб этган масъулият ва мушкул иш ҳар биримизнинг зиммамизда. Шикоятга ўрин йўқ! Фақат олға босиш, ниятни холис қилиш! Шундагина қобилият ўсаверади, иш маҳсулоти кўпаяверади, дунё сенга гўзаллашаверади. Ана ўшандагина киши ўзини соғлом одам эканини ҳис этади. Бу гаплар бир одам фаолияти ҳақи-

Давоми иккинчи бетда

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

ОБУНА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Бу сизнинг янги газетангиз, миллий ҳаёт, миллий тараққиёт, маданий, маърифий, маънавий гўзаллик, сиёсий баркамоликка интилиш газетаси!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда Якка тартибдаги обуначилар учун:
нашр индекси — 64618
1 ойга — 22 сўм 15 тийин
3 ойга — 66 сўм 45 тийин
6 ойга — 132 сўм 90 тийин
12 ойга — 265 сўм 80 тийин

Ташкилотлар учун:
нашр индекси — 64619
1 ойга — 26 сўм 50 тийин
3 ойга — 79 сўм 50 тийин
3 ойга — 159 сўм 00 тийин
12 ойга — 318 сўм 00 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Якка тартибдаги обуначилар учун уйга етказиб берилган ҳолларда:
1 ойга — 17 сўм
3 ойга — 51 сўм
6 ойга — 104 сўм
12 ойга — 204 сўм

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
1 ойга — 14 сўм
3 ойга — 42 сўм
6 ойга — 84 сўм
12 ойга — 168 сўм

Ташкилотлар учун:
1 ойга — 32 сўм
3 ойга — 87 сўм
6 ойга — 165 сўм
12 ойга — 318 сўм

Ташкилотлар абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
1 ойга — 22 сўм
3 ойга — 66 сўм
6 ойга — 132 сўм
12 ойга — 264 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бир мунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

МАЪНАВИЙ БИРЛИК КЕРАК

Қадим туркий достон «Дада Қўрқут китоби»да алп йигитнинг ҳалокати тасвир этилган ҳаяжонли бир лавҳа бор: «Қарғақузғун қон кўриб, ўглон устига қўнмоқ истарди. Алп ўглоннинг икки ити бор эди. Улар қарға-қузғунни ҳайдаб турардилар. Ўглон анда йиқилганда яшил тўнли, бўз отли чол ўглон қошида пайдо бўлди, қўли билан уч қатла ярасини силади. Сўнг «Қўрқма, ўглон, сенга бу ярадан ўлим йўқдир, тоғ чечаги-ла онанг сути ярангга малҳам бўлгай», — деди ва ғойиб бўлди.

Шу пайт ўглон ётган жойга онаси етиб келди. Қарасаки, ўғли қизил қонга беланиб ётур. Онаизор фарёд этиб ўглига суйлади. Шунда ўглоннинг қулоғига сас эшитилди, ўглон бошини кўтарди, кўзини очди, онасининг юзига боқди. Ва суйлай бошлади: «Йиғламагил, жоним онам, манга бу ярадан ўлим йўқдир. Қўрқмагил, бўз отли чол манга келди, уч карра ярамни силади, сўнг «Бу ярадан санга ўлим йўқдир, тоғ чечаги, онанг сути санинг ярангга малҳамдир», — деди». Алп йигит шундай дегач, онага ҳамроҳ қирқ инжа қиз ёйилдилар, тоғ чечаги опкелдилар. Ўглоннинг онаси эмчагин бир сиқди, сути келмади, икки сиқди — сути келмади, учинчи гал қаттиқ сиқди — қон келди, яна сиқди — сут ила қон қоришиб келди.

Тоғ чечаги билан сутни ўглоннинг ярасига қўйдилар, малҳам қилиб боғладилар, сўнг уни отга миндирдилар, олиб ўрдага кетдилар. Қирқ кунда ўглоннинг яраси битди, қирқ кунда соппа-соғ бўлди. Ўглон отга миниб, қилич ушлайдиган бўлди, ов овлаб, қуш қушлайдиган бўлди...»

Ўглонни ўлимдан қутқарган қон аралаш келган она сути-ю тоғ чечаги ниманинг тимсоли эди? Ўйлашимча, бу она Ватан туроғининг қуввати, жонларини юрт ҳурлиги учун фидо этган аждодлар хотираси ва улардан мерос қолган, она сутидек муқаррам маънавият қудрати эди.

Бундан беш йил аввал истибдоддан ҳор ва эркка зор она юртимиз бошига яшил тўнли, бўз отли чол — ҳазрати Ҳизр келди, шифобахш қўллари билан унинг яраларини силаб, «Сенга энди ўлим йўқдир, фидойи ўглонларинг шижоати, тафаккури ярангга малҳам бўлгай», — деди. Ярадор юртимиз бу сўзлардан кўзини очди, бошини кўтарди, ҳаммамизнинг юзимизга боқди ва суйлади: «Оҳ-воҳ қилмоқ чоғи эмас. Энди менга бу ярадан ўлим йўқдир. Тилагим: ҳар бирингиз Шайх Кубродек вафодор, Амир Темурдек фидокор, Мир Алишердек маърифатпарвар, Хожа Баҳоуддиндек ҳалол, Чўлпондек қатъий, Фитрату Беҳбудийдек тафаккурли бўлингиз».

Биз яшаган Туркистон тупроғи инсоният тараққиётининг олтин бешикларидан энг қадимийси ҳисобланса, биз мансуб туркийлар жаҳон тарихи ва маданияти пештоқига номлари абадият қалами билан битилган буюк донишманд фарзандларни берган қавм сифатида маълум ва машҳурдир. Бундан беш асрча аввал Буюк Бобур Туркистоннинг юксак мақомидан фахрланиб, «Ҳазрати рисолат замонидин бери ул миқдор аиммаи исломким (ислом уламолариким), Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, мунча пайдо бўлмуш бўлгай», — деб ёзган эди. Бундан олтмиш йилча аввал мутафаккир бобомиз Фитрат туркийлар камолати хусусида, «Кўзларимизни тўрт очиб қарайлик» деб хитоб этган ва дунёнинг энг буюк ҳакими бўлмиш Ибн Сино, Иккинчи Арасту — Арастуи Соний аталган Форобий, араб тилини мангуликка дахлдор этган Жавҳарий, «ваҳдати вужуд» фалсафаси имомларидан бўлган Жалолиддин Румий, форс адабиётининг салафларидан бўлган Низомийлар ёлгиз турк улусининг эмас, бутун дунёнинг улуғ кишилари эканликларини айтиб гурурланган эди.

Исломий илмлар: фиқҳ, илми калом, илми ҳадис ёхуд исломий фалсафа қаймоги — тасаввуф дейсизми; дунёвий илму фанлар дейсизми, уларнинг барча-барчасида Туркистон заминида туғилган, камол

Давоми иккинчи бетда

МАХТУМҚУЛИ ҲАЗРАТНИНГ ЯНГИ САЙЛАНМАСИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар — умуминсоний қадриятларимизнинг қайта тикланиб, бойиб бораётгани, тарихга ва тарихий сиймоларга нисбатан адолатли ёндашувлар, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг ижодини тўла, мукаммал ўрганишга киришганимиз, қўйинг-ки, маънавият жабҳаларидаги барча жонланиш ва афзалликлар — булар бари, шубҳасиз, жонажон Истиқлолимизнинг шарофати билан боғлиқ жараёнлардир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар эндиликда «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланган қутлуғ ғоя ва ташаббус туфайли янада фаоллашиб, тобора кенг миқёс ва теран мазмун касб эта бошлади.

Улуғ туркман шоири Махтумқули Фироғийнинг китоблари, шеърлари, панд-насиҳатлари кириб бормаган бирорта ўзбек хонадони йўқ, унинг номини билмаган бironта ўзбек йўқ, десак — бу чин ҳақиқатдир! Таниқли ҳофиз ва қўшиқчиларимиз ижросида улуғ шоир насиҳатлари, муҳаббат қўшиқлари радио тўлқинларида, ойнаи жаҳонда кунда-кунора жаранглаб турибди. Ҳулласи, Махтумқули — бугунги кунда ўзбек маданий-адабий турмушида жуда оммавийлашиб, энг машҳур сиймоларнинг бирига айланган.

Ўзбек замини билан Махтумқули номини боғлаб турган адабий алоқалар риштаси фақат шулардангина иборат эмас. Тарихдан маълумки, ўз даврида Махтумқули ҳам, унинг падари бузруквори Давлетмаммед Озодий ҳам, шунингдек бошқа қатор-қатор туркман шоирлари, арбоблари, зиёлилари Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиб, таҳсил олишган. Шуларнинг ўзиёқ ўзбек-туркман халқлари дўстлигининг нақадар теранлигини, мустаҳкамлигини исботловчи тарихий-адабий воқеликдир.

Бинобарин, Махтумқули ижодиётидан танлаб нашр қилинган ушбу янги таржималардан иборат мажмуа ҳам азалий-абадий қон-қардошлигимиздан ажойиб бир нишона. Улуғ ҳикматгўй шоир ўзининг дурдона шеърларида инсон қалбидаги энг азиз, энг мўътабар туйғулар — эътиқод, поклик, ҳалоллик, меҳр-мурувват, ватанпарварлик, дўстлик, мардлик, инсонийлик сингари ҳис-сезгиларнинг барқарор яшаб қолиши учун қайғуради. Қисқаси — Махтумқули шеърияти — туркиёна бадиий ижоднинг энг гўзал, энг нурафшон, энг бой хазиналаридан биридир. «Узбекистон» ва «Ёзувчи» нашриётлари шу йил нашр қилган ушбу «Сайланма»га кирган шеърларни таниқли таржимон ва шоир Муззаффар Аҳмад ўзбекчалаштирган. Сайланма аъло қоғозда, юксак матбаа усулида, 5000 нусхада чоп қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ИШОНЧНИНГ ОРТИШИ

Боши биринчи бетда

айтганидек, мангу толиб деб билганлари ва ҳаётнинг доимо азал бағрига шўнғишни истаганликлари учун ҳам бунга ун-чалар қийналмай муяссар бўладилар.

Шуларга қараб ўзимча хулоса қиламанки, биз Европа ва хусусан, Германиядан тинимсиз изланишни ва изланишларда доим самараларга эришиш маҳорати ва малакалари ҳосил қилишни ўрганишимиз зарур.

Кучли ўзликка эга бўлганлар изланганда ўзликни йўқотмайдилар. Аксинча. Уни бойитадилар. Уни жозибалироқ қиладилар.

x x x

Президент Ислом Каримовнинг Германиядаги илк учрашувида шу ҳақда сўз борди. Биринчи учрашув «SL» фирмаси вакиллари билан бўлди.

«Оксфорд исломни ўрганиш маркази» Имом Бухорий мақбарасини таъмирлаш юзасидан халқаро конкурс эълон қилган ва бунда штутгартлик меъмор Бодо Раш чизган лойиҳа Биринчи мукофотга сазовор бўлган эди. Ислом Каримов бу конкурсга жуда катта қизиқиш билан қараб, унга хайрихоҳлик билдирган эди. Президент Каримов билан учрашувда Бодо Раш ўз лойиҳаси ҳақида батафсил сўйлаб берди. Президент лойиҳа ва у ҳақда суратга олинган филм билан батафсил танишди.

Президент Бодо Рашнинг тушунтиришларини диққат билан тинглагач, унга шундай савол билан мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, араб дунёси архитектураси Марказий Осиё архитектурасидан нимаси билан фарқ қилади?

Бодо Раш бундай саволни кутмаган экан шекилли, бироз ўйланиб қолди. Жиндак саросимага тушди ва ниҳоят, «мен улар орасида фарқ кўрмайман», деб жавоб берди.

Ислом Каримов яна сўради:

— Сиз фарқ кўрасизми?

Бодо Раш:

— Фарқ йўқ айтарли. Марказий Осиё архитектураси Шарқ архитектураси билан яқинлашган...

Ислом Каримов:

— Араб архитектураси ўзига хос, Марказий Осиё архитектураси эса ўзига хос. Айтайлик, Макка, Мадина, Эр-риёд меъморчилигида авангард кучли. Самарқанд, Хива, Бухоро меъморчилиги ҳар бири ўзига хосликларга эга. Уларга битта ўлчов билан ёндашиб бўлмайди. Бизнинг архитектурамиз ўз хусусиятлари, ўз шакли, ўз мазмундорлигига эга. Бу архитектура бетакрор. Мен Шарқ мамлакатларида бўлганман. Ёдгорликларни кўрганман. Айтайлик, Исломободдаги Файсал масжиди яратилган усул билан бизнинг архитектурамиз усули орасида ўзига хос фарқлар бор. Мен Имом Бухорий мақбарасини таъмирлашда уч нарсага эътибор беришингизни сўраган бўлардим. Биз Имом Бухорий комплексини яратиш тарафдоримиз. Бутун дунёдан тавофга келган одамлар кўрганда, бу Имом Бухорий номига муносиб улуғ, ўзига хос зиёратгоҳ бўлсин. Бухоро, Самарқанд архитектурасининг энг яхши томонлари унда акс этиб, шу архитектуранинг янги давоми бўлиб турсин. Сиз мени тўғри тушунинг. Яна Ўзбекистонга боринг. Шаҳарларимизни кўринг. Сиз боя Самарқанд, Бухоро, Хива ислом меъморчилигининг бешиги дедингиз. Лойиҳада ҳам шу фикр акс этсин. Зиёратга келганлар бу қайси асрда қурилган экан? — деб сўрайдилар. Дин ишларида модернга ҳожат бўлмаса керак. Технологияларда бўлиши мумкин. Сизнинг тажрибаларингиз, имкониятларингиз катта. Биз сиз билан ҳамкорлик қиламиз.

Бодо Раш:

— Тўғри айтдингиз. Фикларингизга тўла қўшиламан. Самарқанд, Бухоро, Хива — жаҳон архитектурасининг энг юксак даражасида...

Ислом Каримов:

— Ана шу даражани акс эттиринг.

x x x

Дунёда бизни энди-энди таниб келмоқдалар. Янги таниётганда бошданоқ ишонч қозониш жуда муҳим. У кейинги ютуқларнинг гарови. Бир-бирларини тўла билиб олганда, имкониятлар томонларга тўла равшан бўлганда, эҳтимол, ортиқча ишонтириб ўтиришга ҳожат қолмас. Лекин Ўзбекистоннинг ҳозирги замондаги ўрни ҳамда вазиятида ишонтириш биринчи даражали аҳамиятга эга. Ислом Каримов давлат арбоби ва Ўзбекистон раҳбари сифатида ўзида ишонтириш маҳоратини тарбиялаган. Мен унинг ишонтиришга бўлган интилишларини мантиқ санъати даражасига кўтарилганлигини кўрдим.

x x x

Германиядан олинган таассуротларда мен уч ишонтириш мантиқий санъати ҳақида қайд этиб ўтмоқчи бўлдим. Немис архитектори билан бўлиб ўтган қисқа диалогни баён этдим. Энди иккинчи воқеага ўтай.

x x x

Германиянинг федератив республика деб аталишига сабаб — у ўн олтита тенг заминдан ташкил топган. Замин деганимиз бизнингча вилоятга бирмунча тўғрироқ келади. Лекин вилоят эмас. Ҳар бир замин ўз истиқлолига эга давлат саналади. Уларнинг ҳар бирининг ўз конституцияси бор. Бу конституциялар федерал конституцияга уйғун ва ҳар бири ўзига тегишли ҳақ-ҳуқуқларни аниқ-равшан ҳар томонлама белгилаб олишган, уларни тўла ва оғишмай адо этишади. Бу тараққиёт ва бошқаришда ўта қулайликлар яратади. Шу билан бирга ягона Германиянинг қудратига ҳисса бўлиб қўшилади.

x x x

Баден-Вюртемберг замини Германиянинг энг қудратли, энг тараққий этган, энг аҳолиси кўп заминларидан бири. Бу ерда айниқса, автомобил саноати жуда кучли ривожланган. Штутгарт Баден-Вюртемберг замининнинг пойтахти — гўзал шаҳар. Ҳавоси Тошкент билан Самарқанднинг ҳавосига ўхшаб кетади. Тоғ этакларида, тоғ ораларидаги чуқурликларда жойлашган ажиб бир архитектурага эга. Бу шаҳарни бир кўргандаёқ севиб қолмаслик мумкин эмас.

Баден-Вюртемберг замини Бош вазирининг ўринбосари, экономика вазири жаноб Дитер Шпери Штутгартнинг Янги Саройида Президент Ислом Каримов билан учрашди ва унинг шарафига зиёфат берди.

— Маданий алоқалардан иқтисодий яқин муносабатлар ўсиб чиқади, — деди ўз сўзида жаноб Дитер Шпери. — Бугун бу ерга заминимиз иқтисод дунёсининг кўзга кўринган вакиллари йиғилган. Баден-Вюртембергнинг 100 та саноат корхонаси шу йил сентябрда Ўзбекистонда бўлиб ўтган саноат кўргазмасида муваффақият билан қатнашди. Биз тез-тез шундай тажриба алмашиб туришимиз, кичик ва ўрта корхоналарни вужудга келтиришда яқиндан ҳамкорлик қилишимиз, кенг маънода эса ҳамкорликнинг муайян шаклларини ривожлантириш, изга тушириш муҳим аҳамиятга эга. Баден-Вюртембергдаги иш жойларининг учдан бири ташқарига товар чиқариш билан боғлиқ. Шунинг ўзи ҳам биз учун ҳамкорлик қанчалар муҳим эканлигини кўрсатади.

Президент Ислом Каримов:

— Штутгартда иккинчи сафарда бўлишим. Бу шаҳар менга жуда ёқади. Бу ерда замин раҳбарлари, Штутгартнинг фахри бўлган фирмаларнинг раҳбарлари билан учрашиб турганимиздан мамнунмиз. Штутгартда Ўзбекистон санъати кўргазмаси очилиши жуда катта ҳодиса ва маъноси теран. Назаримда, муносабатларимизда янги поғона. Янги асослар вужудга келмоқда. Ўзбекистоннинг Германия билан муносабатлари ғоятда жиддий заминга қурилаётгани бизни қувонтиради ва умидлантиради. Сиз Ўзбекистонни энди таниб, энди билмоқдасиз.

Германиянинг Ўзбекистонга қизиқиши нимага асосланади?

Аввало, барқарор ҳукумат ва унинг барқарор, изчил иқтисодий, маданий сиёсати Германия иқтисодчиларини ўзига тортмоқда.

Хорижий инвестициялар учун қулай шароит яратилган. Турли кризислардан тўла кафолат берамиз. Ўзбекистон кучли тўлов қувватига эга. Еримиз бой. Ишчи кучларимиз етарли. Мустаҳкам қонуний, ҳуқуқий асослар барпо этилган. Биз билан ишлаганлар ютқизмайди. Шунинг учун сизларни Ўзбекистон бозорида ишлашга чақираман.

Мана, Штутгартнинг узумзорларини кўрдим. Турли винолар тайёрлайсиз. Бизнинг ҳам бепоён узумзорларимиз бор. Лекин бизнинг узумларимиз бошқачароқ. Ширалироқ. Нега сиз бизга ўз виноларингизни олиб бормайсиз? Нега биз бу ерга ўз виноларимизни олиб келмайлик? Бундай ишлардан ким ютқазади?

x x x

Немислар аниқ-равшан гапларни яхши кўришади. Йиғилганлар баравар қарсак чалиб юборишди. Фикр кўнгилга тушди ва жаноб Шпери буни ниҳоятда самимий қилиб ифодалади:

— Ўзбек халқи — бахтли халқ. Унинг шундай катта, кучли Президенти бор. Жаноб Президент, менга ишонинг: Сиз ҳозир маркетингнинг жуда зўр усулини қўлладингиз!

Олқиш устига олқиш бўлди.

x x x

«Даймлер-Бенц АГ» — жуда ҳам қудратли компания. Унинг автомобилларига дунёда тараф йўқ.

Президент Каримов шу компаниянинг йирик раҳбарлари билан уларнинг Мерингендаги қароргоҳида учрашди. «Даймлер-Бенц АГ» Ўзбекистон билан ва ўз навбатида Ўзбекистон бу сертармоқ, кучли, зўр тажрибаларга эга компания билан юк автомобиллар ишлаб чиқариш, туризм, транспорт, йўловчилар ташиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик уфқларини белгилаб олишмоқчи. Шартномалар асосида катта ишлар режалари кўзланмоқда.

«Даймлер-Бенц АГ» қароргоҳига кираверишда улкан ойнавванд куб ичига ажойиб ёдгорлик ўрнатилган. Улар бари ўртача оҳак ва оқ мармартошлардан яратилган. У компаниянинг қудрати ва дунё билан алоқалари рамзи.

— Биз ҳам сизнинг қудратингизга ўз тошимизни қўйишни умид қиламиз, — деди Президент Каримов. — Минглаб вазндор тошлар орасида бизнинг — Ўзбекистоннинг тоши ҳам ўз салмоғига эга бўлади. Биз ростини айтсам, Германияни «Даймлер-Бенц» орқали топганмиз. Сизни ишончли, келажаги порлоқ шерик деб биламиз. Биз ҳам ўз навбатида Ўзбекистон орқали компания Марказий Осиё ва ундан ҳам ортиқ — Ўрта Шарқ мамлакатларига чиқсангиз деймиз. Осиё ва Ўзбекистон йўлларида «Даймлер-Бенц» машиналари чопиб юрса деймиз.

Шу фикр компания раҳбарларининг юрагини жизиллатиб ўтди. Чеҳралар очилди. Фикрдан фикр уйғонди ва ҳаракатга кирди. Компания раҳбари жаноб Шремп деди:

— Кўҳна Ипак йўлида бизнинг юлдузли машиналаримиз нега чопиб юрмасин? Мен буни ўйласам, кечалари уйқум қочиб кетади. Бизнинг ишимизнинг табиати шундайки, акционерларнинг пуллари доим кўпайиб бориши керак. Акс ҳолда ишимизнинг маъноси қолмайди. Тўхтовсиз янги иш жойлари ва инфраструктуралар яратишимиз зарур. Бизнинг муносабатларимиз янги босқичга кириб боряпти. У бизга катта синов бўлади.

«Даймлер-Бенц АГ» раҳбарлари кейинги уч ой ичида Ўзбекистон ва Марказий Осиё бозорини ўрганиш, янги банклар очиш, янги қуриладиган завод жойини аниқлаш каби бир қатор масалаларни ҳал этиш юзасидан тезкор иш олиб боришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Автомобил замонасида «Даймлер»нинг Ўзбекистонга кириб келиши иқтисодий тарихимизда ҳар жиҳатдан улкан воқеа бўлади.

Ислом Каримов бу қудратли компания раҳбарларини шунга илҳомлантира олди.

x x x

1995 йил 15 ноябрда Штутгартда «Линден-музеум»да «Ипак йўли мероси. Ўзбекистон» деган санъат кўргазмасининг очилиши Германия ҳаётида эсда қоладиган воқеалардан бўлди. Кўргазманинг очилишида Германия президенти Роман Херцог рафиқаси фрау Кристина Херцог ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси Татяна Каримова, расмий делегация аъзолари, Германиянинг таниқли давлат арбоблари, йирик фирмалар, компанияларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

— Ҳаётимиз лаҳзалардан иборат, — деди мезбонларни қутлар экан Ислом Каримов. — Ўзбекистон Германия орқали, Германияга таяниб бутун Европани ўзи учун очишни орзу қилади. Ҳаёт, вақт танлаган йўлимиз тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Кўргазма бир-биримизни тушунишимизда умидбахш бир ҳодиса бўлажагига шубҳа қилмаймиз. Бу ерда Марказий Осиё халқлари маданиятлари ва санъатларининг бир улуши намоён бўлгандир. Уларда халқларимизнинг қалби, тақдири, таланти акс этади. Германия маданият ва инсонпарварликнинг қадрига етадиган, бу маънода энг юксак чўққиларга кўтарилган мамлакат. Шу улкан кўргазма очилишида саъй-ҳаракатларини аямаган барча германиялик ва ўзбекистонлик олимлар, мутахассислар, «Даймлер-Бенц» компанияси раҳбарларига халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этаман.

— Ҳаёт бу — учрашувлардир, — деди Германия президенти Роман Херцог. — Мана шундай учрашувларда халқларимиз бир-бирларини яхшироқ билиб оладилар. Чунки ҳурмат қилишнинг асоси — билиш. Германия тупроғида бу ажойиб кўргазманинг очилиши ҳаммамизни хурсанд қилади.

x x x

16 ноябр куни Президент Ислом Каримовнинг Германия президенти Роман Херцог билан учрашувлари Боннда давом этди. Ўзбекистон Президенти, унинг рафиқаси, расмий делегацияга энг юксак маънодаги ҳурмат-эътибор кўрсатилди.

Боннданги Германия президенти саройида Ўзбекистон Президенти ва унинг рафиқаси шарафига берилган гўзал зиёфатда Роман Херцог жаноблари шундай деди:

— Биз Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан хурсандмиз. Мустақил Ўзбекистонни яратаркан, сиз қатъий суратда демократия ва плюрализм йўлини танладингиз. Биз бу тўғри йўл эканлигига ишонамиз.

Бу сўзлар биз учун жуда катта қимматга эга. У жаҳоннинг Ўзбекистонга қараши ва муносабатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Германия президентининг саройи пойида бағрини кенг қилиб гўзал Рейн оқиб ётибди. Бу дарё шунчалар содда ва шунчалар меҳнаткаш. Унинг узра тинимсиз улкан баржалар сузиб юради.

Бу меҳнаткаш дарё худди Амударёга ўхшайди. Германия чинорлари ва теракзорлари тагларига кеч кузнинг япроқлари гилам бўлиб тўшалган. Улар менга Ўзбекистон чинорлари ва теракзорларини эслатади.

Улуғ дарёлар излаб-излаб денгиз ва океанларни топганларидек, биз ҳам холис равнақ йўлида ҳамкорлар ва дўстлар топаверайлик. Чунки дўст — дўстга ҳамиша қанот бўлади. Халқимиз яхши билан юрсанг, муродга етасан дейди.

Иброҳим ҒАФУРОВ
Тошкент — Штутгарт — Бонн — Тошкент

Бонн. Германия президентининг қароргоҳи «Хаммершмидт» саройи

МАЪНАВИЙ БИРЛИК КЕРАК

Боши биринчи бетда

топган, Аллоҳ таоло назар солган инсонлар карвонбошилик қилганлар. Қадим-қадимдан бу муқаддас замин инсон тафаккурини олий босқичга олиб чиқишга хизмат қилган диний ва фалсафий ғоялар, эътиқодлар дунёга келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби — «Авесто» шу тупроқда яратилган. «Дил ба ёру даст ба кор» ғоясини асослаган ва умр бўйи унга амал қилган пири комиллар, туркий тасаввуф лойини пишитган Пири Туркистоний, комилликнинг энг олий намунаси — Ватан йўлида жонфидолик қилиш эканини бизга ибрат қилиб қолдирган Шайхи Валитарош шу тупроқда туғилганлар. Шу сабабдан ҳам, дадил айтиш мумкин, Туркистон тарихи ёлғиз халқлару элатлар, давлатлару сулолалар тарихигина бўлмай, бу тафаккур тарихи, маънавият тарихи, илм ва санъат тарихидир. Улуғ файласуф Ясперс «Инсоният маданияти илдизларини Ўрта Осиёдан қидириш керак!» деганда минг карра ҳақ эди.

Азал-азалдан бу тупроқда яшаган халқлар «Авесто»дек муборак битиклар, нақшбандия, ҳакимия, яссавия, кубравия ғоялари, ҳазрати Жомий, Махтумқули, Ажиниёз, Тўқтағул, Абай ҳикматлари — буюк маънавият асосида бирлашганлар, ўзи турмуш низомларини тузганлар. Ҳазрат Навоий:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам, — деганда тил билан баробар маънавий бирликни ҳам назарда тутган эди. Зеро, қадим ўтмишда бир тилда сўзлашган ёки тил жиҳатдан ўзаро яқин қавмлардан иборат улкан давлатлар ҳукм сургани ва улар нечоғли улкан, нечоғли қудратли бўлмасин, охир-оқибатда таназзулга юз тутганларини яхши биламиз. Уларни ҳалокатга олиб келган сабаблардан бири — халқлар ва элатлар яқинлигини, уларнинг ягоналигини ва давлат мустаҳкамлигини таъминловчи буюк қудрат — маънавий бирликнинг йўқлигида эди. Буюк Соҳибқирон жасорати ва ақлий салоҳияти билан бунёд этилган давлатнинг таназзулга юз тутиши, Мирзо Бобур ҳаракатларининг елга совурилганининг сабаби ҳам шу — давлат устунларидан бири бўлмиш маънавий бирликнинг, ҳамжиҳатлик ва тинчлик-тотувликнинг заифлашуви эди. Оқибатда юрт — Туркистон пароканда бўлди, қудратли давлат ўрнида тарқоқ хонликлар вужудга келди ва улар маънавий заифлик туфайли бирлашиш ўрнига ўзаро низолардан бўшамади. Шу боисдан ҳам Туркистон халқи кейинчалик салкам бир ярим асрлик давлатни тараққиётдан маҳрум қилди. Зероки, Ҳазрат Авлоний айтганидек, жаҳолат энг қўрқинч фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Жаҳолатдан қутилмоқ учун маънавият, маънавий бирлик сари интилмоқ, ҳазрат айтмоқчи, «баҳамаҳол илм йўлида ҳаракат қилмак, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўзларидан ҳиссаланмак, азиз жонимиздан азизроқ авлодларимизни жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқармак учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоғимиз лозим ва лобуддур».

Туркистон маданияти деган тушунча мавжуд. Бу маданият ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ижодкорлиги салоҳиёти заминидагина эмас, Туронзамин чорраҳасидан тарих олиб ўтган ўнлаб халқлару элатлар ҳиссасидан ҳам бунёд бўлган. Бу маданият қаъридан буддавий, зардуштий, шаманий, исломий оҳанглар эшитилиб туради. Навоийнинг чинор каби юксалишида Соҳири Ҳинд, Ринди Шероз, Орифи Жом қувват берганидек, Абай ижодининг илдизларига Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Яссавий ва Навоий маърифатининг булоғи куч берди. Туркман даштида чечакдек унган Махтумқули қалби Хоразм маънавияти сарчашмаларидан сув ичди. Қирғиз ўтовида Низомий, Қул Али, Мирзо Бобурнинг девонлари авайлаб сақланди. Бахшилар «Алпомиш»ни қай тилда, қай оҳангда куйламасинлар боболаримиз бир хил ҳаяжон ва бир хил ҳайрат туйдилар. Бу маънавий бирлик туйғуси, унга интилиш туйғуси машаққатли дамларда ҳам ўлмади. Тожик шоири Сотим Улуғзоданинг «Тарихий шахслардан кимлар сизнинг идеалингиз ҳисобланади?» деган саволга «Менинг идеалим Фирдавсий ва Навоийдир» деб жавоб бергани, ёш ўзбек ва қозоқ адибларининг Чингиз Айтматовга сидқидил эътиқод қўйишлари, ўзбек ҳофизларининг туркманий оҳангларда нола чекишлари бунинг исботидир.

Туркистон ғояси, бу жуғрофий ҳудуд (Ватан тушунчаси), тарих, тил, урф-одат, маросимлар, диний эътиқод асосида шаклланган бирлик ғоясидир. Туркистон бирлиги уни машаққатли дамларда сақловчи, тараққиётга бошловчи қудратдир. Бу ғоя, энг аввало, маънавий бирлик ғоясидир. Бу маданий-маънавий бирлик Туркистон заминидаги мустақил давлатларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, Шарқ файласуфларидан бири айтганидек, маданий-маънавий бирлик бор жойдагина бирликнинг бошқа барча турлари пайдо бўлиши мумкин. Ўзбекистон Президенти қайта-қайта таъкидлаганидек, жамиятдаги тинчлик-тотувлик ҳам, қонун устиворлигию ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқининг эътибори ҳам, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар равнақию давлатчилигимиз мустаҳкамланиши ҳам истиқлолимизнинг маънавий замини устида қурилади. Худди шу сабабдан, такрорлаш жоиз, Туркистон халқларининг ўзаро бирлиги, дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, сиёсий-ижтимоий ҳамжиҳатлиги энг аввало маънавий бирликни талаб қилади.

Туркистон маънавий бирлиги деганда мавҳум нарсани эмас, аниқ ва қатъий режали, амалий ҳаракатларни англамоқ лозим. Бу бирлик туйғуси биринчи навбатда мактаб дарсликларига сингдирилмоғи, маориф соҳасида, иложи борича, ягона тизим яратишга интилиш, ягона ахборот муҳитини ташкил этиш, ўзаро илмий, бадиий адабиётлар алмашишни кенг йўлга қўйиш керак. Шунингдек, «Туркистон тарихи», «Туркистон маданияти тарихи», «Туркистон адабиёти тарихи», «Туркистон ахлоқи тарихи» каби чуқур тадқиқотга асосланган фундаментал асарлар яратишдан ишни бошламоқ зарур. Замонавий илм соҳаларида ягона тадқиқот тизимини, ўзаро тенг моддий таъминланадиган илмий марказлар ташкил этиш лозим. Зеро, маънавий бирлик айни бир хил эҳтиёжу талаблардан келиб чиқиб, ягона мақсад ва камолот сари интилиш самараси ҳамдир.

Мустаҳкам дўстлик деярли ҳамиша мушкул дамларда юзага келади, чинакам дўстлик машаққат палласида синовдан ўтади. Буни узоқ ва қадимий тарихимиз исботлаб турибди. Туркистон бирлиги, Туркистон биродарлиги ғояси шу мўқаддас заминда ташкил топса ёш мустақил давлатлар учун бугунги синовли кунларда айниқса жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, дўстлар бир-бирларига кўмаклашишлари учун дўстдирлар.

«Хамса»ни ёзишга киришар экан, Ҳазрат Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг бошида шундай фикр юргизган эди: дунёдаги ҳамма нарсалар асосида аносири арбаъ (тўрт унсур) ётади: ўт, сув, ҳаво ва тупроқ. Буларнинг биттаси бўлмаган жойда, ҳаётнинг ўзи йўқдир. Шунга муқояса қилиб айтиш лозимки, Туркистон бирлиги икки муҳим унсур: маънавий бирлик ва иқтисодий ҳамжиҳатликни талаб қилади. Бу бирлик беш давлат: Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон учун жуда зарур. Аносири арбаъдан бири йўқ жойда ҳаёт бўлмаганидек, бу бирликдан ажралган давлатда тараққиёт бўлмайди.

Ҳуршид ДАВРОН

Боши биринчи бетда

да бораётган гаплар. Буни амалда натижасини кўриш учун Туркистон элимизнинг ҳамма халқлари, миллатлари бир-бирига суяниши, бир-бирига елкадош бўлиши, бир-бирига маслаҳатчи бўлиши, ишда ўртоқлашиши тақозо этилади. Бўлинганни бўри ер, деганидек, ҳар бир халқ бошқаларидан ажралгани ҳолда яшаб, қўлига кириши мумкин бўлган кўп имконлардан маҳрум бўлиши мумкин. Биз юқорида Туркистон халқларининг тарихида катта рол ўйнаган сиймолар номларини зикр этдик, биз шуларнинг авлоди бўлганимиз билан фахрланамиз. Лекин фахрланиш қуруқ гапда эмас, амалий бирликда, амалий дўстликда, амалий яратувчилик ишимизда бўлиши керак.

Олис тарихда ҳам, бизнинг бугунги кунларимизда ҳам элатлар, халқлар ва миллатлар бир-бирига интилган, бир-биридан ўрганган, бири-бирига устоз ёки шогирд бўлган. Бир-бирига яқин ёки ягона жуғрофий ҳудудда яшаган халқлар ҳаёти, амалиёти ва ижодиётида эса бу нарса янада яққол кўринади ва теран илдизларга эга. Қадимдан Турон замин, Туркистон деб келинган юртда яшаган ва яшаб келаётган халқлар ҳамкорлиги ҳам бунга яққол мисолдир. Буни шу ҳудудда яшаган халқ ижодкорлари — бахшилар, оқинлар, жировлар, манасчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, устоз-шогирдчилиги ва шу орқали уларнинг эпик репертуарининг бойиб бориши мисолида ҳам очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

Бир қатор туркий халқлар учун ўртоқ достонлар ҳисобланган «Алпомиш», «Гўрўғли» туркуми ва бошқаларнинг юзага келиши, туркий халқлар эпоси таъсирида тожик достончилигида «Гўрўғли» туркумининг пайдо бўлиши ана шундай фолклор алоқаларининг порлоқ самарасидир. Халқлар ва элатлар ўртасидаги фолклор алоқалари барча даврлар ва замонлар учун характерлидир. Бундай ҳолни достончилик тарихий тараққиётининг барча босқичларида кузатиш мумкин. Бу нарса тил ва этник хусусиятлари умумий ёки бир-бирига яқин, конкрет ижтимоий-иқтисодий шароитларда муайян ҳудудларда яшаган халқлар эпик ижодиётида янада яққол кўзга ташланади. Масалан, XIX асрда қорақалпоқ бахшилари ёки қозоқ оқинлари (қиссачи оқинлари) репертуарида «Гўрўғли» туркумидан намуналар ва бир қатор лироэпик достонларнинг пайдо бўлишини туркман ва Хоразм достончилигисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, бу халқлар эпик ижодиётисиз ўзбек достонларининг сон жиҳатдан ниҳоятда кўплигини ҳам кўз олдимизга келтириш мумкин эмас.

Эпик ижодиётда ҳамкорлик бахшиларнинг амалиётида, устоз-шогирд муносабатларида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, XIX асрнинг донгдор туркман достончиси Суяв бахши туркман, ўзбек ва қорақалпоқлардан бир қанча шогирдлар етиштирганидек, ўзбек бахшиси Аҳмад Матназар ўғли қорақалпоқ бахшиси Жапақ Шомуродовга устозлик қилган. Ўзбек бахшиси Бекмурод Жўрабой ўғлининг устози Қурбон шоир қорақалпоқ достончиси Чангўт жировнинг шогирди бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ва шу каби қатор омиллар бир халқда илгаридан маълум бўлмаган эпик сюжетларни бахшилар томонидан ўзлаштириб олинишига ва ўз халқлари достончилик анъаналари асосида қайта ишланишига сабаб бўлган. Масалан, илгари «Қизжипак» достони ўзбек бахшилари репертуарида бўлмаган. Бу достонни атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли унинг қозоқча Тошкент нашридан ўқиб ўрганган ва ўзининг ижодий вариантини яратган. Бироқ у бахшилар ўртасида тарқалмаган, балки Эргаш шоир репертуаридаги якка ҳодисалигича қолаберган. Достончиликнинг жонли оғзаки анъанаси гуруллаб давом этаётган замонларда эса, бундай фактлар «якка ҳодисалигича» қолмас эди, балки оммавий эпик репертуарга ўтиб, кенг тарқалиши табиий эди. Шунинг учун ҳам бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлган бундай ижодий жараённи ҳар томонлама ўрганиш фолклористик нуқтаи назардан принципиал аҳамиятга эга. Бундай ҳолни:

Ўзига боп сўздан топиб,
«Қизжипак»ни ўлан қилдим,

дея Эргаш шоирнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаган эди. Ғап шундаки, Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул XIX асрнинг машҳур оқини Мойлихўжа билан яқин алоқада бўлган. Улар бир-бирларидан ўрганиш орқали достончиликни янада ривожлантирганлар. Бундай ҳолни Эргаш шоир «Қизжипак» достонининг охирида шундай баён қилади:

Шу замонда қозоқ элда,
Мойлихўжа деган ўтган,
Қозоқ элда чеченлиги
Кўп овоза бўлиб кетган.
Шу «Жипак»нинг қиссасини
Мойлибойнинг ўғли айтган.
Буни эшитиб шу қиссага
Мулла Эргаш талаб этган.
Ундан қолган чаласини
Жуманов ўхшатиб кетган.

Хоразмлик Матназар Жаббор ўғлидан ёзиб олинган «Қурбонбек» достони ҳам шундай ижодий ҳамкорлик натижасидир. Ғап шундаки, Матназар бахши иккинчи жаҳон уруши йилларида атоқли қорақалпоқ жирови Қурбонбой Тожибой ўғли билан уч ярим йил бирга бўлди. Ундан «Алпомиш», «Қўблон», «Қурбонбек» достонларини ва қўбиз тортишни ўрганди. Матназар бахшидан «Алпомиш», «Қурбонбек», «Қоракўз ойим» достонлари, «Илмхон», «Давронбек ва Замонбек» достонларининг мазмуни ёзиб олинган. Демак, Матназар бахши репертуарининг бир қисмини қорақалпоқ достонлари ташкил этса, унинг иккинчи қисми Хоразм бахшилари репертуаридаги достонлардан иборат. Бундай ғоятда мароқли фолклор жараёнини ҳар томонлама ўрганиш, Матназар бахшидан ёзиб олинган достонларни, бир томондан, Хоразм достонларига, иккинчи томондан, Қурбонбой жиров вариантларига қиёсан текшириш фолклоршунослик учун қизиқ натижалар бериши мумкин. Бундай ҳодисалар қадимдан яратилиб, кўп даврлардан ўтиб келган халқ достонларининг ижодий тарихини белгилашда, сўнгги босқичларигагина бизнинг назаримиз тушган кўп асрлик жонли оғзаки эпик анъананинг табиатини очишда муҳим аҳамиятга эга.

Қорақалпоқ достони «Қурбонбек» ўзбек бахшиси Матназар Жаббор ўғли репертуарига ўтганда, достоннинг эпик баёни тўла сақланган, айрим деталларни ҳисобга олмаганда, сюжет йўналиши айнан ўхшаш. Аммо ҳар иккала вариант текстуал жиҳатдан бир-бирига деярли мос келмайди, яъни бирида бўлган бадиий матн иккинчисида мавжуд эмас. Бошқача айтганда, Матназар бахши варианти бадиий текстида Хоразм достончилиги анъаналари, ўзбек халқ шеър тузилиши хусусиятлари устунлик қилади. Бунинг учун қуйидаги бир парчага диққат қилиш кифоядир:

Ёвим бўлсанг, беллашали,
Обом бўлсанг, диллашали,
Хабар берсанг, эллашали,
Юртингдан манга хабар
бер.

Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, бахшилар эпик репертуарининг бойиб боришида ўзаро фолклор алоқалари, бошқа халқлар достончилигидан «ўзлаштирилган» сюжетлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо бундай «ўзлаштириш» мавжуд миллий эпик анъаналарга батамом бўйсундирилди. Бошқача айтганда, бахшилар бошқа халқларнинг достончиларидан ўрганар, сюжетлар алмашар эканлар, ўзлаштирилган эпик асарни ўзлари мансуб достончилик мактаблари услубий йўналиши нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқдилар, уларга миллий руҳ бердилар ва батамом «ўзлариники» қилиб олдилар. Шу тариқа бир халқнинг бадиий мулки бўлган асар иккинчи бир халқнинг ҳам адабий меросига айланди, бир миллий ва этник минтақада тарқалган сюжет иккинчи бир шароитда янгича ҳаёт бошлади. Бундай жараён умумжаҳон фолклор тараққиётидаги қонуний ҳодиса бўлиб, инсоният бадиий тафаккурининг муштарак жиҳатларидандир.

Тўра МИРЗАЕВ,
профессор

АВЛОДЛАР САДОСИ

Боши биринчи бетда

ва ёш вақтларимизда, «Уйғон, уйғон, Туркистон, уйғон Туркистон, Соқлоқинг қўлдан берма, уйғон Туркистон» деб ҳамма туркий миллат болалари баробар қўшиқ айтиб юрардик, ора-чорада буларга катталар ҳам қўшиларди. Ўша ёшлик даврларимиздаёқ Туркистон, шу тупроқда яшовчи халқларнинг умумий уйи эканини тушунар эдик, ҳамма халқлар ҳам шундай тушунар эди, шунинг учун ҳам иноқ яшар эди. Лекин бу туркий халқлар иттифоқи собиқ қизил империяга ёқмас экан, шунинг учун ҳам уларни бир-биридан ажратди, алифбосини ўзгартирди, бир-бирини тушунмайдиган ҳолга келтирди. Унинг устига таг-зилидан уларни бир-бирига қарши гиж-гижлай бошлади. Мен ҳозирги Қирғизистон тупроғида туғилиб ўсганман. Менинг бутун улуғ авлодларим қирғизлар билан аралаш яшаган. Бутун мен билган тарихимизда қирғиз—ўзбек деган низо, бир-бирига ёқмайдиган улушлар бўлганини билмайман. Ҳамма вақт бир-бирига хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига суяниш билангина яшаб келганмиз. Қуда-андачилик ҳам кўп бўлар эди. Аралаш тўйлар ҳам кўп бўларди. Ҳар қандай соғлом одамнинг дилида бошқа одамга нисбатан душманлик ҳисси бўлмайди, фақат дўстлик ҳиссигина бўлади. Шунинг учун ҳам инсон жамияти йўқолиб кетмасдан, ривожланиб бораяпти. Ҳар биримиз ҳиссимизда шу қадимий-табиий дўстликни қўмсаймиз. Дўстлик бор жойдагина одам ўзини эркинроқ, тўлароқ, қувноқроқ ҳис этади. Биз шу Туркистон халқлари — ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқлари бир-биримизга муҳтожмиз, бир-биримизга суянишимиз керак. Кич

ИСТИҚЛОЛГА ТАШНА ЎТГАН

Бадиа

Туркистон, хусусан, Ўзбекистонда 20-йилларда бир қатор истеъдодли инсонлар етишиб чиқдики, агар улар Сталин сиёсатининг тазйиқига учрамаганларида, ўлкамиздаги ижтимоий ва маданий ҳаёт қандай яшнаб кетарди — буни тасаввур қилиш қийин эмас. Акмал Икромов, Усмонхон Эшонхўжаев, Маннон Рамзий, Давлат Ризаев, Комилжон Алимов, Исмоилзода Абдулраҳмон, Саидризо Ализода, Холид Саид, Машриқ Юнусов (Элбек), Маҳмуд Ҳодиев (Боту), Отажон Ҳошимов, Зиё Саид ва бошқа кўпгина арбоблар шулар жумласидандир. Бугун шуни очиқ айтишимиз керакки, уларнинг майдонга чиқишида жадидларнинг хизматлари катта бўлди. Дарвоқе, ушбу зиёлиларнинг аксарияти Беҳбудий ҳазратлари орзу қилганларидек, бир неча тилларни билишган, диний илмлар билан бирга, дунёвий билимларни ҳам ўзлаштирган юксак маданиятли инсонлар эди. Ана шундай зотлардан бири Назир Тўрақулов (Дарвиш) бўлган.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли ва хассос ижодкор, дастлабки шўро газеталари — «Янги Шарқ», «Иштирокиюн», «Оқ жўл» ҳамда «Инқилоб» журналига муҳаррирлик қилган журналист Н. Тўрақулов ҳаёт бўлганида, ҳозир умрининг юзинчи баҳорини нишонлаб, 101 га қадам қўйган бўларди. Таассуфки, Назир оға, шунингдек талайгина сафдошларининг ҳаёт гулларини 30-йиллар қатағонининг изғирини бевақт хазон қилди.

Назир Тўрақулов 1894 йили Қўқон шаҳрида пахта жаллоби оиласида дунёга келди. Унинг отаси даврнинг шамоли қай тарафга эсишини яхши тушунган киши бўлиб, фарзандларининг рус тилини дуруст ўрганишларини, замонага мувофиқ маълумот олишларини истарди. Шунинг учун ёш Назир дастлаб эски усулдаги мактабда бир оз ўқигач, уни рустузем мактабига беришади. Ўғлининг савдогар бўлишини орзу қилган отасининг хоҳиши бўйича, у 1905 йилда Қўқон тижорат ўқув юртига киради. Бу орада Қўқонга ҳам биринчи рус инқилобининг «тўлқин»лари етиб келади. Қўқон депоси ишчилари билан полиция тўқнашувларини, намойишчиларнинг чор маъмурлари томонидан жазоланишларини ўз кўзи билан кўрган Назирда мустабидлик тузумига нисбатан нафрат уйғонади. У чор ҳукуматининг манфур қиёфаси қандай эканлигини ҳам анча-мунча билиб олади. Айни пайтда, Назир миллий истибдоднинг жирканч ва ҳақоратли ғизосини тотиб кўрди. Ўша пайтдаги миллий зулм ҳақида Оренбургда чиқиб турган «Вақт» газетасининг 1917 йил 6 январь сонида ёзилган қуйидаги маълумотлар бирмунча тасаввур беради: «...қай чоқда извушчикга ўтуруб келатурғон сортни тўқтаталарда, они тушуруб, ўзлари ўтуруб кеталар. Еки бозордан айбирлар олғон маржа ёхуд рус шул айбирларни сорт боласиндан кўтартиб, қайтада хизмат ҳақи бир тийин ақча бермий юбора ва ёхуд юк ташувчи сортнинг орбасиндаги юкин ўром ўртасинда бўшатдируб ўзларининг айбирларин шул орбаға солуб фотерға кўчалар. Мундий ҳоллар кўб. Борисинда ёзуб туруб бўлмий. Сортлар ўзлари ҳақинда ёсолғон бу жабрлар тўғрусунда маъмурларга шикоят этарга бўлдира олмийлар, қўрқалар, чунки улукки (катта, улуғ — Б. Д.) тўралар оларнинг сўзларин эътиборға олмийтурғон бўлғонлар, олар шундан қўрқиб қолғонлар» Бу ҳол Назирда эркка, миллий мустақилликка интилиш пайдо қилмай қўймасди. Ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик ва истиқлол ҳиссининг шаклланишида жадидларнинг хизмати беқиёс бўлди. Назир тенги хат-саводи бор ёшларнинг аксари жадидларнинг «Тараққийпарвар» жамиятига аъзо ёхуд унга хайрихоҳлик билдирувчи кишилар бўлиб етишдилар. Таассуфки, жадидлар Русиядаги фирқалар сингари ёрқин муташаккил оқимларга айлана олмадилар. Улар орасида мансаб ёки мавқе талашиш оқибатида умумий ишга катта зарар етган пайтлар ҳам кўп бўлди...

1913 йилда Қўқон тижорат ўқув юртининг 8-синфини битирган Н. Тўрақулов Москва Савдо институтига ўқишга киради. Бу ерда у фақат тижорат «сир-синоати»ни ўрганиш етарли бўлмаслигини яхши ҳис этади. Шу боис у умумий савиясини оширишга, хорижий тилларни ўрганишга кўпроқ интилади. Унинг замондоши Фотиҳ Бакиров Н. Тўрақулов савдо институтида ўқиб юрган кезлари рус, немис ва француз тилларини яхши биларди, сўнг турк, форс ва араб тилларини тиришқоқлик билан ўрганди, деб ёзганди. («Революционеры, вожаки масс». Сб. статей. Ташкент, 1967. с. 121). Аммо кўп ўтмай, биринчи жаҳон уруши бошланиб, танг аҳволга тушган Русия, чекка ўлкалардан фронт орти ишларида фойдаланиш учун сафарбарлик эълон қилади. Шу оғир юртдошлари мардикорликда азоб тортаётган бир вақтда Назир Тўрақулов пўрим кийиниб, талаба бўлиб юришдан номус қилади ва институтни 3-курсидан ташлаб, Ғарбий Фронтнинг Минск ва Баранов районларида Земсоюзга инструктор бўлиб ишга жойлашади, юртдошлари орасида «Эркин дала» деган жамият ташкил қилади. Февраль инқилобидан сўнг, мардикорлар юртига қайтгач, у ҳам дастлаб Тўғай вилоятида бир муддат Земствода ишлайди, Оренбургда чиқадиган газеталардан бирига муҳаррирлик қилади. Октябрь тўнтаришидан сўнг, 1918 йилнинг апрелида, жонажон шаҳри Қўқонга қайтиб келади.

У Қўқонга қайтган вақт сиёсий жиҳатдан мураккаб пайтлар эди: яқиндагина Қўқон мухторияти қонга ботирилган, Фарғонада, бир томондан, миллий-озодлик характеридаги ҳаракат (кейинчалик «босмачилик» деб номланади), иккинчи томондан, талончилик (ҳақиқий босмачилик) ҳам авж олган эди. Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, мавқеларини мустаҳкамлаб олиш учун, вазиятдан усталик билан фойдаландилар: аҳолига тинчлик, деҳқонларга ер, очларга нон, миллий зулм остида қолиб келганларга мустақиллик ва тенглик ваъда қиладилар. Бу ваъдаларининг устидан улар қанчалик чиқишгани тарихдан маълум. Муҳими, дўппи тор келиб қолганда, ваъдани қуюқ бериб одамларни ўз томонларига оғдириб олиш эди. Назир Тўрақулов ҳам бошда большевикларга кўпам ишонмайди. Шу боис у 1918 йилнинг майида сўл эсэрлар фирқасига киради. Лекин вазият тарозисининг большевиклар томони, бора-бора оғирроқ кела бошлайди. Улар ваъда қилган социализм ғояси Н. Тўрақуловга жозибали туюлади. Шу сабабли у ўша йилнинг октябрь ойида эсэрлар сафидан чиқиб, большевиклар фирқасига аъзо бўлади ва шундан бошлаб социализм ғоясига, бинобарин, шўро ҳокимиятига сидқидилдан хизмат қилади. Бундай ҳол фақат Назир Тўрақуловга хос эмасди, албатта. Октябрь тўнтариши арафасида етишиб чиққан талайгина зиёлиларимиз шўролар ҳокимияти халқларга бахт-саодат, тенглик ва тотувлик келтиради, деб ишонишди ва шўроларга сидқидилдан хизмат қилишга киришгандилар. Большевиклар ваъда қилган социализм уларнинг назарида ўзлари ҳам орзу қилган жамиятдан иборат эди.

Н. Тўрақулов янги, социалистик жамиятни барпо қилишда марксизм-ленинзм ғояларини халқ онгига сингдириш лозимлигини англайди ва бунда матбуотнинг ролига катта аҳамият беради. Шу туфайли у Қўқонда инқилобий қўмита матбуот органининг юзага келишида фаол иштирок этади. Қўқон ишчи, қизил аскар, мусулмон вакиллари шўросининг ҳузуриндаги миллий ишлар шўъбасининг ношир афкори «Халқ газети»нинг биринчи сони 1918 йил 4 декабрда босилиб чиқади. Газета таҳририяти таркибига Н. Тўрақулов ҳам кирган эди. Унинг жўшқин журналистик ва публицистик фаолиятининг бошланиши шу «Халқ газети» билан чамбарчас боғланган. У газета саҳифаларида сиёсий аҳвол, Шарқдаги инқилобий ҳаракат, фирқа турмуши, шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда қалам тебратди.

1919 йилда Н. Тўрақулов Фарғона вилоят инқилоби қўмитасига ишга ўтади. Фарғонада у мактаб ва маориф ишларини йўлга қўйишда фаол қатнашади. Вилоят маориф мудирлиги лавозимида ишлар экан, у мактаблар очиш, саводсизликни битириш ишларига алоҳида эътибор беради. Айни пайтда, ўзи ҳам Фарғона шаҳрида ташкил топган муаллимлар курсида сиёсий аҳволдан маъруза ўқийди.

Н. Тўрақулов маориф соҳасида ишлаш билан бирга, Фарғона вилоятининг миллий ишлар мудириятининг ношир афкори «Янги Шарқ» газетасининг таҳрир ҳайъати таркибига ҳам киради. Мазкур газета саҳифаларида «Шарқ боласи» имзоси билан Шарқ мамлакатларида колонизаторларга қарши олиб борилаётган миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида мақолалар ёзди. «Янги Шарқ»нинг 10-сонидан бошлаб эса у муҳаррир этиб тайинланади.

Н. Тўрақулов ўз мақолаларида халқ ва коммунистик фирқанинг бирлиги масаласига алоҳида тўхталади. У ёзадики, биринчи жаҳон урушининг халқ учун ниҳоятда оғир кунларида фирқа «халққа тинчлик, ихтиёр ва нон берингиз!» деган талаб билан чиқди. Бу фирқа халқ орасидаги мустаҳкам бирликнинг рамзи, дейди. Юқорида айтганимиздек, Н. Тўрақулов большевиклар сиёсатининг туб моҳиятига тушунмади ва тўла тушунолмасди ҳам.

1919 йилнинг сентябрида Н. Тўрақулов Тошкентга ишга ўтади. У Туркистон республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг Раиси лавозимига, 1920 йилда Туркистон Компартияси Марказий Комитети Ижро — бюросининг масъул котиби лавозимига сайланади. Лекин у большевикларнинг ишончидан маҳрум бўлгач, партия-давлат лавозимларидан кетади. Бунга бир тарихий воқеа сабаб бўлган.

Назир Тўрақуловнинг «босмачилик» деб аталган ҳодисага муносабати анча кескин бўлган. У мазкур ҳаракатга аксари ҳолларда ўта салбий муносабат билдирган. Жумладан, Туркистон компартиясининг VI қурултойида қилган докладида ҳам бундай ҳолни кўриш мумкин. Бизнингча, унинг «босмачилик» ҳаракатига, «босмачи»ларга салбий муносабатига сабаб — уни шўро ҳукумати раҳбарларининг ишончидан махрум этган бир воқеа сабаб бўлгандир, эҳтимол. Доцент Т. Пидаевнинг аниқлашича, РКП(б) Ўрта Осиё Бюросининг сиёсий топшириғига кўра, 1922 йили Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган Баҳром кўрбоши билан бевосита учрашишга А. Раҳимбоев, К. Отабоев ва Н. Тўрақуловлар юборилади. Уларга учрашув пайтида кўрбошини қамоққа олиш вазифаси топширилган. Лекин улар Баҳром кўрбошини қамоққа олмай, қўйиб юборадилар. Чунки дипломатик йўл билан, расмий учрашувда уни қамоққа олиш номардлик бўларди. Лекин ўз мақсадлари йўлида номардлик, тухмат, иғво каби ифлос усуллардан ҳам тоймайдиган большевиклар мусулмон коммунистларнинг бу диёнатли ҳаракатини кечирмаганлар. Ўша йилнинг 25 сентябрида бўлган РКП(б) Марказий Қўмитаси Ташкилий бюросининг мажлисида бу масала муҳокама этилиб, «партиявий интизомсизлик кўрсатганлари ҳамда РКП(б) Марказий Қўмитасининг 1922 йил 21 август директивасини бузганликлар учун» ҳар учала туркистонлик давлат арбоби эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланадилар. (Собиқ марксизм-ленинзм институтининг Марказий партия архиви, ф — 62, рўйхат — 1, сақланиш бирлиги — 6, 6-варақ). Фақат Ўрта Осиё Бюросининг қаттиқ илтимоси билангина уларга масъул лавозимларда ишлашга рухсат этилади.

«Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади» деганларидек, Н. Тўрақулов ҳам иккинчи марта «оғзини куйдирмаслик» учун «босмачилик» ҳаракатига бир ёқлама — фақат салбий баҳо беришга мажбур бўлган.

Назир Тўрақулов давлат арбоби, яна кучли ва жўшқин публицист ҳам эди. Публицист Н. Тўрақулов учун хос бўлган етакчи хусусиятлардан бири шуки, у ҳамиша даврнинг актуал, муҳим масалалари ҳақида ёзди, ўша вақтда социалистик жамият қуриш назарияси ва амалиётининг ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларини ечишга интилди, янги жамият барпо этишда босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиб, қўлга киритилган тажрибалар асосида социализм қурилишининг муҳим проблемаларини ўртага ташлади, янги тузум қуришга халақит берувчи нарсаларга қарши муросасиз курашди.

Н. Тўрақуловнинг 1919-1922 йиллардаги публицистик ижодини кўздан кечирганимизда, унинг янги жамият қуриш ғоясига сидқидилдан берилганининг гувоҳи бўламиз. «Бугун ва эрта» («Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 октябрь) сарлавҳали мақоласида Шарқда миллий-озодлик ҳаракати кучаяётгани, эски дунё — капитализм хасталиги боис ҳалок бўлиши, янги дунё ғалабаси эса муқаррарлиги катта эҳтирос билан ёзилган. Шуниси характерлики, у тарғиб этган социализм ғояси умуминсоний хусусиятлардан, дину диёнатдан холи эмасди. Жумладан, унинг «Тез коммунист бўласан!» сарлавҳали мақоласида («Иштирокиюн», 1919, 25 декабрь) янги, социалистик жамият барпо қилишда маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ўта «сўл»лик кўрсатиш, «меёрдан ошиш» кутилган ижобий натижалар ўрнига зарарли оқибатлар олиб келиши мумкинлигини ёрқин мисоллар билан исботлаб беради. Модомики, Н. Тўрақуловнинг социализм ҳақидаги тасаввури, тушунчаси ҳақида гап бораркан, бир фактни эсламай бўлмайди. 20-йилларнинг кўзга кўринган арбобларидан Маннон Рамзий Туркистон Комфирқа Марказқўмига ёзган аризасида Н. Тўрақуловнинг жумҳурият Халқ маорифи комиссари ўринбосарлигига тайинланишига эътироз билдираркан, фикрига далил сифатида унинг бир қанча нуқсонлари қатори Ислом динига бўлган «ўнг қараши»ни ҳам келтиради. У ёзади: «...ўрт. Тўрақулов эътиқодига кўра ўта ўнг. 1922 йилда Тошкентнинг эски шаҳарида жамоатга «Ислом ва коммунизм» мавзуида маъруза қилганди. Бунда руҳонийлар ва фирқа аъзолари ҳам иштирок этишганди. Тўрақулов маърузасида, муҳокама пайтида ҳам бутун кучи ва билими билан ислом ва коммунизмнинг бир-бирига яқинлигини, ислом ва коммунизм айнан бир нарса эканлигини исботлашга уринди. Бунинг учун талайгина мисоллар келтирди». Бу мисолдан кўринадики, Н. Тўрақуловнинг социализм ҳақидаги тасаввури большевик сардорларининг тушунчаларидан анчагина фарқ қилган. Дарвоқе, Н. Тўрақулов «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 23 ноябрь сонидан 1920 йилнинг 24 март сонигача унга муҳаррирлик қилган. Ана шу давр оралиғидаги газета сонларида маҳаллий аҳолига социалистик жамиятнинг моҳиятини очиб берувчи материаллар мунтазам чоп этилиб турилган. Шуниси характерлики, у ўзи тўғрилигига амин бўлган фикрларни тап тортмасдан айта ва ёза оладиган шахс бўлган. Жумладан, миллий истибдод зулми остида эзилиб келган чекка ўлкаларда Октябрь тўнтаришидан сўнг ҳам мустабидлик сиёсати давом этаётганини баралла айтган. Бу жиҳатдан унинг Миллий Ишлар Комиссариати томонидан Москвада 1919-1923 йиллар чиқарилиб турган «Жизнь национальностей» ҳафтаномасининг 1921 йилдаги сонларидан бирида ёзган «Колонизаторлик ва унга қарши кураш» сарлавҳали мақоласи алоҳида диққатга сазовордир.

Н. Тўрақулов ёзади: Туркистон чор Россияси томонидан забт этилгач, қандай қилиб колонияга айлантирила борди? Туркистонни қурол билан қўлга киритган солдатлардан сўнг бу ёққа омади келмаган чиновниклар, ўйинда бор-будини ютқазган офицерлар, тадбиркор чайқовчилар ва ҳоказолар оломон бўлиб йўл олдилар. Булар Туркистоннинг серҳосил ва сўлим ерларини, бойликларини очкўзлик билан эгаллай бошладилар. Натижада, Россиядан борганлар ўзларининг сурбетликлари, муғамбирликлари ва тамагирликлари билан танилдилар. «Тошкентлик жаноблар» ибораси ўша пайтда ана шундай сифатларга эга бўлган кимсаларни англатадиган бўлиб қолди. Шундай бўлдики, мустабидлик сиёсати йиллар давомида ерли халқ билан Россиядан келганлар орасида, уларнинг ижтимоий мавқеи ва синфий манфаатларидан қатъи назар, ётлик, тенгсизлик вужудга келтирди. Ерли халқ ижтимоий инқилобларда деярли иштирок этгани йўқ. Октябрь тўнтариши Туркистонда «Бир стакан сувдаги бўрон»дан иборат бўлди. Бу тўнтаришдан кейин ҳам мустабидлик сиёсати ўзгармади. Кўпгина жойларда маҳаллий ҳокимият тепасига собиқ жиноятчилар, каллакесарлар қўйилди. «Большевиклар» деганда оддий халқ кимни тушунганини қуйидаги мисол ёрқин кўрсатади: 1919 йилда Наманган трибунали дашноқлар ва жиноятчи қизилгвардиячилар ишини кўраётганда, гувоҳ сифатида қишлоқдан келган бир кекса деҳқонга сўз берилади. У безориларнинг жиноятларини баён этгандан сўнг трибуналдан «большевикларни жазолаш»ни ўтиниб сўрайди. Воқеаларнинг бундай тус олганидан довдираб қолган трибунал раиси чолдан сўрайди: «Сизнингча, большевиклар кимлар?». «Ким билади, — деб жавоб беради чол... — Мен умримда шаҳарда бўлган эмасман. Бизда шаҳарликларни «большевиклар» деб аташади. Мен бир оми одам бўлсам, шаҳарда нима бўлаётганини қаердан билай?! Уларни қароқчи деб бўлмайди. Қароқчилар, одатда, кечаси бостириб келишади. Улар бўлса, кундузи талайдилар. Демак, улар большевиклар!»

Н. Тўрақулов бундай камчилик ва нуқсонларни большевиклар олиш вазифаси топширилган. Лекин улар Баҳром кўрбошини қамоққа олмай, қўйиб юборадилар. Чунки дипломатик йўл билан, расмий учрашувда уни қамоққа олиш номардлик бўларди. Лекин ўз мақсадлари йўлида номардлик, тухмат, иғво каби ифлос усуллардан ҳам тоймайдиган большевиклар мусулмон коммунистларнинг бу диёнатли ҳаракатини кечирмаганлар. Ўша йилнинг 25 сентябрида бўлган РКП(б) Марказий Қўмитаси Ташкилий бюросининг мажлисида бу масала муҳокама этилиб, «партиявий интизомсизлик кўрсатганлари ҳамда РКП(б) Марказий Қўмитасининг 1922 йил 21 август директивасини бузганликлар учун» ҳар учала туркистонлик давлат арбоби эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланадилар. (Собиқ марксизм-ленинзм институтининг Марказий партия архиви, ф — 62, рўйхат — 1, сақланиш бирлиги — 6, 6-варақ). Фақат Ўрта Осиё Бюросининг қаттиқ илтимоси билангина уларга масъул лавозимларда ишлашга рухсат этилади.

«Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади» деганларидек, Н. Тўрақулов ҳам иккинчи марта «оғзини куйдирмаслик» учун «босмачилик» ҳаракатига бир ёқлама — фақат салбий баҳо беришга мажбур бўлган.

Назир Тўрақулов давлат арбоби, яна кучли ва жўшқин публицист ҳам эди. Публицист Н. Тўрақулов учун хос бўлган етакчи хусусиятлардан бири шуки, у ҳамиша даврнинг актуал, муҳим масалалари ҳақида ёзди, ўша вақтда социалистик жамият қуриш назарияси ва амалиётининг ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларини ечишга интилди, янги жамият барпо этишда босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиб, қўлга киритилган тажрибалар асосида социализм қурилишининг муҳим проблемаларини ўртага ташлади, янги тузум қуришга халақит берувчи нарсаларга қарши муросасиз курашди.

Н. Тўрақуловнинг 1919-1922 йиллардаги публицистик ижодини кўздан кечирганимизда, унинг янги жамият қуриш ғоясига сидқидилдан берилганининг гувоҳи бўламиз. «Бугун ва эрта» («Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 октябрь) сарлавҳали мақоласида Шарқда миллий-озодлик ҳаракати кучаяётгани, эски дунё — капитализм хасталиги боис ҳалок бўлиши, янги дунё ғалабаси эса муқаррарлиги катта эҳтирос билан ёзилган. Шуниси характерлики, у тарғиб этган социализм ғояси умуминсоний хусусиятлардан, дину диёнатдан холи эмасди. Жумладан, унинг «Тез коммунист бўласан!» сарлавҳали мақоласида («Иштирокиюн», 1919, 25 декабрь) янги, социалистик жамият барпо қилишда маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ўта «сўл»лик кўрсатиш, «меёрдан ошиш» кутилган ижобий натижалар ўрнига зарарли оқибатлар олиб келиши мумкинлигини ёрқин мисоллар билан исботлаб беради. Модомики, Н. Тўрақуловнинг социализм ҳақидаги тасаввури, тушунчаси ҳақида гап бораркан, бир фактни эсламай бўлмайди. 20-йилларнинг кўзга кўринган арбобларидан Маннон Рамзий Туркистон Комфирқа Марказқўмига ёзган аризасида Н. Тўрақуловнинг жумҳурият Халқ маорифи комиссари ўринбосарлигига тайинланишига эътироз билдираркан, фикрига далил сифатида унинг бир қанча нуқсонлари қатори Ислом динига бўлган «ўнг қараши»ни ҳам келтиради. У ёзади: «...ўрт. Тўрақулов эътиқодига кўра ўта ўнг. 1922 йилда Тошкентнинг эски шаҳарида жамоатга «Ислом ва коммунизм» мавзуида маъруза қилганди. Бунда руҳонийлар ва фирқа аъзолари ҳам иштирок этишганди. Тўрақулов маърузасида, муҳокама пайтида ҳам бутун кучи ва билими билан ислом ва коммунизмнинг бир-бирига яқинлигини, ислом ва коммунизм айнан бир нарса эканлигини исботлашга уринди. Бунинг учун талайгина мисоллар келтирди». Бу мисолдан кўринадики, Н. Тўрақуловнинг социализм ҳақидаги тасаввури большевик сардорларининг тушунчаларидан анчагина фарқ қилган. Дарвоқе, Н. Тўрақулов «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 23 ноябрь сонидан 1920 йилнинг 24 март сонигача унга муҳаррирлик қилган. Ана шу давр оралиғидаги газета сонларида маҳаллий аҳолига социалистик жамиятнинг моҳиятини очиб берувчи материаллар мунтазам чоп этилиб турилган. Шуниси характерлики, у ўзи тўғрилигига амин бўлган фикрларни тап тортмасдан айта ва ёза оладиган шахс бўлган. Жумладан, миллий истибдод зулми остида эзилиб келган чекка ўлкаларда Октябрь тўнтаришидан сўнг ҳам мустабидлик сиёсати давом этаётганини баралла айтган. Бу жиҳатдан унинг Миллий Ишлар Комиссариати томонидан Москвада 1919-1923 йиллар чиқарилиб турган «Жизнь национальностей» ҳафтаномасининг 1921 йилдаги сонларидан бирида ёзган «Колонизаторлик ва унга қарши кураш» сарлавҳали мақоласи алоҳида диққатга сазовордир.

Н. Тўрақулов ёзади: Туркистон чор Россияси томонидан забт этилгач, қандай қилиб колонияга айлантирила борди? Туркистонни қурол билан қўлга киритган солдатлардан сўнг бу ёққа омади келмаган чиновниклар, ўйинда бор-будини ютқазган офицерлар, тадбиркор чайқовчилар ва ҳоказолар оломон бўлиб йўл олдилар. Булар Туркистоннинг серҳосил ва сўлим ерларини, бойликларини очкўзлик билан эгаллай бошладилар. Натижада, Россиядан борганлар ўзларининг сурбетликлари, муғамбирликлари ва тамагирликлари билан танилдилар. «Тошкентлик жаноблар» ибораси ўша пайтда ана шундай сифатларга эга бўлган кимсаларни англатадиган бўлиб қолди. Шундай бўлдики, мустабидлик сиёсати йиллар давомида ерли халқ билан Россиядан келганлар орасида, уларнинг ижтимоий мавқеи ва синфий манфаатларидан қатъи назар, ётлик, тенгсизлик вужудга келтирди. Ерли халқ ижтимоий инқилобларда деярли иштирок этгани йўқ. Октябрь тўнтариши Туркистонда «Бир стакан сувдаги бўрон»дан иборат бўлди. Бу тўнтаришдан кейин ҳам мустабидлик сиёсати ўзгармади. Кўпгина жойларда маҳаллий ҳокимият тепасига собиқ жиноятчилар, каллакесарлар қўйилди. «Большевиклар» деганда оддий халқ кимни тушунганини қуйидаги мисол ёрқин кўрсатади: 1919 йилда Наманган трибунали дашноқлар ва жиноятчи қизилгвардиячилар ишини кўраётганда, гувоҳ сифатида қишлоқдан келган бир кекса деҳқонга сўз берилади. У безориларнинг жиноятларини баён этгандан сўнг трибуналдан «большевикларни жазолаш»ни ўтиниб сўрайди. Воқеаларнинг бундай тус олганидан довдираб қолган трибунал раиси чолдан сўрайди: «Сизнингча, большевиклар кимлар?». «Ким билади, — деб жавоб беради чол... — Мен умримда шаҳарда бўлган эмасман. Бизда шаҳарликларни «большевиклар» деб аташади. Мен бир оми одам бўлсам, шаҳарда нима бўлаётганини қаердан билай?! Уларни қароқчи деб бўлмайди. Қароқчилар, одатда, кечаси бостириб келишади. Улар бўлса, кундузи талайдилар. Демак, улар большевиклар!»

Н. Тўрақулов бундай камчилик ва нуқсонларни большевиклар тезда тузатишлари зарур, деб хулоса қилади.

Бундай дадил фикрлаш ўша пайтда Миллий Ишлар Комиссари бўлиб ишлаётган Сталинга ёқмагани шубҳасиз. Ўта кекчи бўлган «халқлар доҳийси» бундай мақолаларни 30-йилларнинг охирида яна «эса» олмаслиги мумкин эмасди.

Н. Тўрақулов публицистикасининг етакчи хусусиятлари ҳақида гап кетганда, энг аввало, ундаги фикр қўламининг ниҳоятда кенг бўлганини айтмоқ керак. Жуда кўп тилларни билиш, у тилларда чиққан адабиётлар билан таниш бўлиш унинг публицистикасига алоҳида жило бахш этган. Унинг журналист сифатида фактлардан фойдаланиши, ўз асарларининг таъсир кучини ошириш учун халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, ибратли воқеалардан фойдаланиши ҳақида шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Назир Тўрақулов билимдон публицист, моҳир журналист бўлиш билан бирга, истеъдодли муҳаррир ҳамдир. У, юқорида таъкидлаганимиздек, «Янги Шарқ» газетасининг беш сонига, «Иштирокиюн» газетасининг тўрт ойлик сонларига муҳаррирлик қилган. Қозоқча чиққан «Оқ жўл» газетасига ҳам у муҳаррир бўлган. Унинг муҳаррир ва ташкилотчи сифатидаги хизматларидан бири — 1922 йили «Инқилоб» журналини тайёрлашга кўшган ҳиссасидир. Н. Тўрақулов бу журналнинг тўрт сонига муҳаррирлик қилган. 1923 йилда эса Москвада Миллий Ишлар Комиссарлиги қошидаги Марказий Шарқ нашриётининг органи «Учқун» журналини чиқаришда фаол қатнашади (журналнинг атиги бир сони чиққан).

Қобилиятли муҳаррир сифатида Н. Тўрақулов ўзи бошлиқ бўлган газета ёки журналнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак бўлиши, материалларининг қизиқарли ва ранг-баранг чиқиши учунжон куйдирган. Унинг муҳаррирлигида чиққан газета ва журналларда илмий-оммавий мақолалар, адабиёт ва санъатга оид материаллар, адабий-танқидий асарлар мунтазам босилиб турган. Публицист Н. Тўрақулов сатира ва юморнинг таъсир кучи ва тарбиявий ролини яхши англаган. Шу боисдан ўзи бошлиқ бўлган матбуот органларида ҳажвий асарларга алоҳида аҳамият берди. Жумладан, «Янги Шарқ» газетасида унинг ташаббуси билан «Чиғириқ» бўлими ташкил этилди. Назир Тўрақуловнинг муҳаррирлик фаолиятида унинг «Инқилоб» журналига раҳбарлик даври алоҳида ўрин тутади. Журналнинг 1-сонида унинг «Мўқаддима ўрнида» сарлавҳали дастурий мақоласи босилган бўлиб, унда Н. Тўрақулов журнал олдига қўйилган асосий вазифаларни аниқ ва лўнда баён этган ва журнал жаҳон инқилобий ҳаракатини, айни пайтда, Шарқ халқларининг миллий уйғониш тарихини кенг ёритиши лозим, деб ҳисобланди.

Н. Тўрақулов муҳаррирлиги пайтида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Шокир Сулаймон, Ғулом Зафарий, Садриддин Айний асарлари билан бирга, қардош халқлар адабиётларидан ҳам намуналар бериб борилди. Булардан ташқари, журналда адабиёт, санъат, маданият ва тилшуносликка оид қатор илмий мақолалар ҳам эълон қилинди.

Н. Тўрақулов Туркистонда 1922 йилнинг октябригача ишлади. Ушбу йилнинг октябрида уни РКП(б) ўз ихтиёрига чақириб олади ва Миллий Ишлар Комиссарлиги қошидаги Шарқ халқлари Марказий нашриётининг идора раиси этиб тайинлайди. Бу лавозимда у 1928 йилгача самарали ишлади. Ўзбек ва рус тилларида чиққан китобларни таҳрир қилди, уларнинг айримларига сўзбоши ёзди. Жумладан, Садриддин Айнийнинг «Бухоро инқилобчилари» ҳамда Фитратнинг «Қиёмат» асарларига ёзган сўзбошилари бу жиҳатдан эътиборга моликдир.

Назир Тўрақулов 1928 йилдан 1932 йилгача Совет Иттифокининг Ҳижоздаги консули, 1932 йилдан 1936 йилгача мухтор элчиси бўлиб ишлайди. 1936 йилдан то умрининг охирига қадар Ленинград ва Москвадаги Шарқ халқлари тиллари ва адабиёти институтида дарс беради ҳамда илмий иш билан шуғулланади. 1938 йилда у сталинча зўравонликнинг қурбони бўлди.

Ўзбек матбуотига, умуман, Туркистон, ўзбек маданияти тараққиётига катта ҳисса кўшган Назир Тўрақуловнинг бой ижодий меросини мукаммал ўрганадиган пайт келди. Зотан, адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига заррача бўлса-да, ҳисса кўшганларнинг номи ўчмаслиги керак.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
ТошДУ журналистика назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири, доцент

«ТИЁТР НАДУР?»

Тиётр нимадур жавобиға: тиётр ибратномадур. Тиётр ваъзхонадур. Тиётр таъзир(и) адабийдур. Тиётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужасам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар-қулоқсизлар эшитиб асрланур. Хулоса, тиётр ваъз ва танбиҳа этувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таъомилни, қабиҳ ва зарарини аёнан кўрсатувчидир. Ҳеч кимни риоя қилмасдан, тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргучидур.

Айн(и) замонда яна тамошагоҳ ва ёйинки кўнгил очгучи миллий ва адабий жамиятни боисидур. Тараққий қилган миллатлар тиётрхоналарни улуғлар учун мактаби адаб ва ибрат атайдурлар. Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири тиётрлардур деюрлар. Тиётрларнинг яхши ва ёмон одатларни сарроф ва мунаққиди дерлар. Умумий одатларни наъф(и) ва зараридан пайдо бўладургон натижаларни таъсирланиб, ёмон одатларни тарк этиб, яхшиликни зиёда ишламоқға сабаб бўлур. Ҳар замонни бир усули ихтисоби бордур. Бу замонда тиётрхоналар ҳам ямон ва зарарлик одатларни ихтисоб ва танқид қилиб, ямонлигини, қабиҳни халойиқға кўрсатиб ваъз ва насиҳат этгучи бир жойдур.

Тиётрхона саҳналаринда қўйилатургон асарлар фожиа яъни қайғулик музҳики яъни кулгу драма яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, ҳалойиқға кўрсатилур. Ул воқеадаги ёмонлик ва яхшиликни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўриб, англаб, ибрат олур ва ямонликдан қочиб яхшиликға ҳаракат қилмоқға, тиётрда кўрсатилган воқеалар сабаб бўлур. Ҳикоя ва ёйинки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодисани баён қилингандурки, ўқуб асрланиб лаззат олинадур. Аммо тиётрға махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшитгандан зиёдадур. (Шиниданан буд монанд дидан-эшитмоқ қачон кўрмоқ кабидур?). Яна тиётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўзсиз одам эшитиб, кар мушоҳада этиб ибрат ва лаззат олар. Хулоса, тиётр халқлар ўртасинда шу қадар тараққий этгандурки, ҳар кун янги асар тасниф бўлуб, саҳнада қўйилур. Асарни ёзган муҳаррирға минг сўм ва ўн минг сўмлак ҳадия бериб асарини мушохислар сотиб олиб, саҳнада қўюб фойда қиладурлар. Баъзи бир, тиётр асарлари эски бўлмай ва халойиқни кўнглиға урмай бир шаҳарда йигирма, ўттуз, ҳатто юзинчи даъфа қўйилганлари бордур. Тиётрға қўйилган асарни ортуқча ва ё оз ерларини ва етушмаганларини, маъишати миллиядан хориж нуқталарини муҳаррирлар, жаридалар танқид этадурлар. Халойиқға маъқул бўлуб ва ё бўлмагани ила тиётр муҳаррири ҳурсанд ва ё ғамлик бўлур. Муҳаррирни асари яхши чиқса, ҳар ким они табрик этар. Ва шуҳрати зиёда бўлур. Ва бул бошқа муҳаррирларни ҳаракатга келишуб яхши асарлар ёзмоқларига боис бўлур. Тиётр учун муҳаррирни нақадар чуқур ўйлагучи зариф ва назокатлиги лозим бўлса, мушаххис (ҳодисани кўрсат

Ал-Жоҳиз

Дунёга ал-Жоҳиз номи билан машҳур бўлган Абу Усмон Амр ибн Бахр буюк аллома ўтган. Арабларда укки кўз ё кўзлари чақчайган одамларни «жоҳиз» дейишган. У кишига нисбатан кўп айтилаверилганидан бу сўз таржимаи ҳол соҳибига мисоли бир ном бўлиб қолган. Кейинчалик у шу ном билан шуҳрат топди.

Бу киши аслида ҳозирги Ироқнинг Басра шаҳрида туғилиб, шу ерда вафот этган.

Ал-Жоҳиз камбағал оиладан чиққан, ҳали гўдак бўлган чоғиданоқ отадан етим қолган, шу билан у ҳаёт захматини чекиб тирикчилик йўлига кириб кетган эди. Дастлаб у нонвойга шогирд тушади, унга дастёр бўлиб, нонфурушлик қилади, кейин нонвойдан сердароматлироқ деб балиқчига шогирд тушади, балиқ пишириб сотади, шу тариқа кун кўради, бўш вақтларида китоб мутолаасига тушади; у қўлига тушган китобларини ўқийди, кимда китоб кўрса, уни дарҳол эгасидан сўраб ўқиб берар, ҳатто китобсотарлардаги китобларни сўраб ўқиб олар, кези келганда китоб эвазига улар хизматини бажо келтирар эди. Ниҳоят маърифат истаб ўша кезларда донғи чиққан Бағдод шаҳрига бориб қолади, у ердаги мактаб, мадраса, кутубхоналардан бахраманд бўлади.

Ал-Жоҳиз мутолааси жуда зўр киши бўлган. Бағдод ўша вақтларда маданият ва маърифат макони бўлиб, катта марказ саналар эди. Шу жиҳатдан у жуда кўп маданий манбаълар, асарларга дуч келади, улардан истифода этади. Шу билан бирга бўлажак аллома ўлкалар зиёратига тушади; Сурия, Миср, Фаластин каби бир қатор мамлакатларни саёҳат қилади.

Ал-Жоҳиз ўзидан олдинги давр ва ўз даври адабиётини яхши ўрганган эди. Бу ҳолни унинг «Бахиллар китоби»дан билишимиз мумкин. Бундан кўринишича, у ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, латифа-нукталарнинг фарқига борадиган ажойиб сўз устаси эди. У бир қанча тилларни: ҳиндий, форсий, юнон ва бошқа тил ва лаҳжаларни билган. Унга она тили бўлган араб тили ва адабиётини ўбдон ўрганган. Ал-Жоҳиз сермутолаа, ўз даври илм-маърифатидан яхшигина хабардор, ўта билимдон, нозиктаб, зийраклиги билан яхши танилган киши эди. Ал-Жоҳиз умрининг сўнги йилларида юрти Басрага қайтади, у ердаги аҳли илм билан ҳамсуҳбат бўлади. Ўзига кўп ихлосмандлар топади. Кўпчилик ундан билим ўрганганги келишади, илмий анжуманлар қурадилар.

Ал-Жоҳиз шу Басрада касалга чалинади, шол бўлиб, оёқдан қолади. Бу ҳол унинг тақдирига ҳам таъсир этмай қолмайди, китоб мутолаасига ўта ишқибоз ва усиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайдиган аллома тахмондан китоб оламан деганда бошига китоблар уюми тушиб кетиб, шунинг оқибатида вафот этади. Алломанинг ҳолидан хабар оладиганлар кирганда унинг кўкси устида тахмондан тушиб кетган китоблар уйилиб ётарди.

Ал-Жоҳиз жуда кўп асарлар таълиф қилган, у 350 дан ортиқ китоб ёзган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг кўп асарларида ал-Жоҳизни жуда ҳурмат билан эслайди, унинг китобларидан иқтибослар келтиради, кўп ҳолларда унинг фикри билан ҳисоблашади, ўз фикрини исботлаш учун ундан далиллар олади.

Ал-Жоҳизнинг энг йирик асарларидан бири «Китоб ал-ҳайвон» бўлиб, у табиатдаги жонли зотларга бағишланган, у тўртта улкан жилддан иборат бўлган шоҳ асардир.

Ал-Жоҳизнинг «Бахиллар китоби»ни эса Шарқ адабиётида жуда машҳур ҳажвий асар деса бўлади. Бунда бахиллар ҳақида латифа даражасига етган ҳангомалар тўпланган. Ал-Жоҳизнинг бу асари дунё бўйлаб кўп кезган, кўп тилларга таржима ҳам бўлган. Сиз қуйида шу «Бахиллар китоби»дан ҳикоялар ўқийсиз.

Таржимон



БАСРА АҲЛИНИНГ ҚИССАЛАРИ

Масжидчилардан бўлган биродарларимиз шуларни ҳикоя қилиб беришди.

Масжидда турли-туман одамлар тўпланишади. Уларнинг баъзилари сарф-харажат, бозор-очар қилишда эҳтиёткор ва тежамкор бўлиши, мол-мулкни кўпайтиришга интилиши ҳақида, хуллас, бировга бермайдиган, балки йиғадиган бўлиш ҳақида сухбат қурарди. Бу ҳолда фикр юритиш натижаси уларни қандайдир жамоат сифатида бирлаштирар, бир-бирига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга ундар, улар мисоли бир мазҳабдаги одамлардек бир-бирига ўзаро ёрдам беришар, яқин бўлиб қолишар ҳам эди.

Улар бир ерга йиғилишиб олиб, бу масалада тортишар, ҳар хил мулоҳазаларни айтишар, ҳар тарафлама фикр-мулоҳаза юритишар, баъзилардан ўрнак, орада кечган гаплардан эса мароқ олишар эди.

Улардан бири мана шу.

ЭШАК ВА ШЎР СУВ

Бир чол гапириб берган эди:

— Маълумингизким, қудуғимизнинг сувини мисоли бир намакобнинг ўзи дейсиз. Ҳатто эшак ҳам унга яқин келмас, ҳайдасанг, оёғини тираб, юрмас эди. Туялар ҳам зўрға оғзига олар, ютишга юраги бетламас эди. Теварак-атрофда хурмолар ҳам қуриб битган эди. Ичар сув оқадиган ариқ бўлса биздан анча йироқда, ҳатто уни эшак аталасига қўшиб берадиган бўлган эдик. Ичар сувни ҳам олиб келишга қийналардик. Ниҳоят бу омухта сувдан эшагимиз ҳам хаста бўлиб қолди, ҳатто у бизга ташланадиган, олдидан келсангиз, тишлаб, ортидан келсангиз, тепиб, бизни бехузур қилди. Шундан сўнг биз уни ширин сув билан суғорадиган бўлдик. Мабодо шўр сув билан ювинсак, худди эшак ичи оғригандай, бизнинг теримизда ўзгаришлар бўлиб қолмасин тағин, деб қўрқардик. Аммо ширин сув билан ғусл қилганларимизда сув бекор кетар эди. Сўнгроқ бунинг иложини ҳам топдим. Кейин ғусл қиладиган жойимизга бориб, ёнидан бир ариқча очдим, унинг ёнбериларини сувадим, сувни бўлса пастга оқиб тушадиган қилдим. Ариқча ҳам мисоли бир чўққидаги қоядан шаршара оқиб тушадигандай бўлди. Энди яхши бўлди, биз ғусл қилсак, сувга ҳеч нарса аралашмасдан, топ-тозалигича идишга оқиб тушарди.

Ғусл сувидан эшак ҳам бурнини жийирмайдиган бўлди. Биз ҳам эшакка бундай сув ичирганимиз учун гуноҳга ботмаймиз. Биз ҳам бундай иш тақиқланган китобни ҳам, урф-одатни ҳам билмаймиз. Биз бундай сувни бир қанча кундан бери ишлатиб келмоқдамиз. Шу тариқа биз ортиқча меҳнатдан ўзимизни халос қилдик.

— Булар бари тангри таолонинг марҳамати, — дейишди бу ерда ҳозир бўлганлар.

МАРЯМНИНГ ТОПГАНИ

Қўққисдан улар рўпарасига бир қари чол чиқди-да, деди:

— Марям тентак ўлганини эшитдингларми? У сарф-харажатга тежамкор, жуда рўзғорбоп одам эди.

— Хўш, хўш, қани гапир-чи, қанақа эди, — дейишади улар.

— Унинг қилғуликларини гапирсам, айтганим билан адо бўлмайди, фақат биргина нарсани айтиб бераман, шунинг ўзи ҳам у кишининг кирдикорини тасаввур қилишга етади.

— Хўш, нима экан у? — дейишди ўлар.

— Бир куни у ўн икки ёшга кирган қизини узатаётган эди. Қизини росаям ясантирди, унга олтину кумуш безаклар тақиб қўйди. Эгнини зеб-зийнатлар билан безатиб, қиммат баҳо марв матоларидан кийимлар кийгазди: шойию ипаклар, атласу кимхоблар билан ўради, юрса унинг атрланган кийим-кечагидан анвои фором ҳидлар анқиб турадиган бўлибди. У қизини куёви, қуда-андалари кўзи ўнгида жудаям кўкка кўтариб юборибди.

— Бу молу мулк ҳаммаси қаёқдан? — дебди Марямнинг эри.

— Худодан, — деб жавоб берибди у.

— Сафсата сотма, — дебди эри. — Тезроқ тушунтир. Худо ҳақи, сен илгарилари бадавлат эмасдинг, аждодингдан дурустроқ мерос ҳам қолмаган эди. Хиёнат қилиб мол топганингга ҳам ишонмайман. Сен покиза аёлсан, эрингга ҳам садоқатлисан, ёнинги сен бирор хазина топиб олдингми? Нима бўлсаям, сен оғир юкимни енгил қилгансан, бундай сеп йиғиш ташвишидан озод қилгансан.

— Шуни билиб қўйингки, — дебди хотини, — мен қизни тўққанимдан буён то эрга берадиган шу кунимга қадар ҳар куни нон ёпишга қилган унимдан бир ховучини қизимга атаб олиб қўярдим. Биласизку, биз ҳар куни нон ёпардик. Олиб қолган уним йиғилиб, ўн қадоқ бўлиб қолганда, мен уни олиб бориб сотардим-да, пулини қизимга у-бу нарса оламан деб, асраб қўярдим, мана шу сеп ўша йиққан нарсаларим натижаси.

— Худонинг ўзи сенга илҳом бериб, буни кўнглингга солган, — деди эри ундан мамнун бўлиб, — шу билан сен тўғри йўлга киргансан. Яна шуниси борки, Аллоҳ таоло илҳом бериб, сен келин бўлиб тушган уйингни ҳам бахтиёр, обод қилгансан. Худди мана шундай ахволни назарда тутиб пайғамбар алайҳиссалом айтган эканлар: «туя иккидан ортса-ю, учта бўлса пода бўлади» деб. Орзуйим шуки, болаларинг сенинг олижаноб феъл-атворингни мерос қилиб олади, сенинг изингдан боради. Сенинг бу ажойиб хислатинг, худо хоҳласа, менинг ирқу наслимга ўтиб, унда барқарор бўлади.

Буни эшитиб ўтирган одамларнинг ҳаммаси туришиб аввалига жанозасини ўқишди, сўнг уни кўмишга қатнашишди. Кейин унинг эрига келишиб унга ўз таъзияларини билдиришди. Шу билан унинг ғам-қайғусига шерик бўлишди.

КЕПАК ТОМОҚ

Шундан сўнг уларнинг ичидаги қариялардан бири сўз олиб деди:

— Одамлар, кичик ишларга бепарво бўлмаганлар, чунки ҳар бир катта иш кичкинасидан бошланади. Аллоҳ таоло кичикни улғайтираман деса, улғайтиради, кўпайтираман деса, кўпайтиради. Ахир ҳукмдорлар хазинаси дирҳам-дирҳамдан йиғилмаганмиди! Ҳамма пуллар ҳам тийин-тийинлаб йиғилади. Ахир қум тепаликлар денгиз сувлари шундай оз-оздан, қатра-қатрадан йиғилмаганмиди? Ахир хазиналардаги дунё, мол-мулкларнинг бир дирҳами у ёқдан, бир дирҳами бу ёқдан бўлиб йиғилмаганмиди? Битта дўкондор оз-оздан ерни сотиб олавериб қанчадан қанча жойни эгаллаб олган! Яна шунисини кўрганманки, ўша ерда ундирган нарсаларни қанчадан- қанча қиммат пулга сотиб тирикчилик қилган. Ўша ердан йиғиб олган бир дона қалампирни ё бўлмаса бир қадоқ нўхатни қанчадан қанча пулга сотарди! Нўхатдан қанчадан қанча даромад оларди, қалампирдан ҳам. У деҳқончилигидан чиққан ҳамма нарсани-йиригу майдаларигача битта қолдирмай йиғиб оларди. Кейин у ерига қўшиб юзлаб таноб ер сотиб олди.

Сўнгра у яна шуларни айтди:

— Мени кўпдан бери йўтал безовта қиларди. Йўталавериб тинкам қуриди, баъзилар менга бунинг давосига ҳолва ейишни тавсия қилишди. Бошқа бир хил одамлар бўлса, менга наша, қанд каби нарсаларни мағиз ёғига омухта қилиб истеъмол қилишни айтишди.

Мен бўлсам, бу айтилган нарсаларнинг барчасини топиш машаққати ҳамда харажатини ўйласам, кўзимга уйқу келмади. Боре, дедим-да, дардни берганнинг ўзи уни олар, деган андишада тузалиб кетишимни пойлаб ётавердим.

Шу алфозда юравериб аҳволим танг бўлди. Ўшандай кунларнинг бирида Тангри таоло иродаси билан биров менга маслаҳат берди:

— Сен кепакни иссиқ сувга солиб қўй-да, совугач уни истеъмол қил, — деди.

Мен унинг айтганини қилдим. Рост, чиндан ҳам дуруст бўлди, мазаси ҳам яхши экан, ўзиям одамни тўқ тутар экан. Уни истеъмол қилганимдан кейин ҳатто тушликни ёгим келмай қолди. Барибир таомни еб, қўлларимни ювдим, аср намозига тутиндим. Шундай бўлдики, кечки таом билан тушлигим бир вақтга тўғри келиб қолди. Ўйлаб туриб, шундай яшаса ҳам бўлар экан-ку, деган фикрга келдим-да, кечки овқатдан воз кечдим.

Кейин кампирга қараб:

— Нонуштага ҳаммамизга кепакдан томоқ пиширганимиз яхши эмасми? — дедим. — Ахир кепак суви кўкракка даво бўлса, бунинг устига у ҳам мазалик, ҳам тўйимли бўлса, яхши эмасми!? Шундай қилсак, кейин уни қуритиб олса ҳам бўлади. Яна ишлатаверишимиз мумкин.

Кўпроқ йиғилиб қолса, кейин унинг ўзини ҳам аслида олган нархингга сотиб юборсанг бўлади. Бу иккала ҳолда ҳам биз фойда қиламиз.

Шунда унинг кампири деди:

— Менимча, Тангри таоло сенга бу йўтал дарди орқали кўп фойда келишини насиб қилган, шунинг учун йўталингга даво қилиб кепак юборган.

— Булар, албатта, тангрининг иноятi билан бўлаётганига шубҳам йўқ.

Шунда даврадаги қариялар бир оғиздан:

— Рост, сенинг гапинг тўғри, — дейишди. — Бундай ишлар ўзидан-ўзи бўлавермайди. Тангрининг берган илҳоми билан юзага келади.

Арабчадан А.ИРИСОВ таржимаси

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

◆

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

◆

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

◆

Буюртма: Г — 0530.

◆

3000 нусхада босилди

◆

Сотувда нархи эркин

◆

Ҳажми 2 босма табоқ

◆

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

◆

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

◆

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

◆

Навбатчи муҳаррир — Баҳодир МУРОД АЛИ

ҚАЛБГА НАЗАР

(адабий ўй)

Қўлимга ноёб асар тегса, мен уни олис йўл босиб, чашма бўйида чанқоғини босаётган йўловчидек... сипқораман. Сипқораётиб, дунёнинг майда хою-ҳавасларини унутаман-да, ўз қалбимга теранроқ қулоқ соламан. Унда содир бўлаётган латиф жараён, ўзининг сирларга тўлалиги билан мени лол этади. Бу жараённи ҳаракатга келтираётган маънавий қувватнинг қандай ҳосил бўлаётганини ва қаердан озуқа олаётганини тушунгим келади. Мутолаа давомида, бу истак зўрайиб, эҳтиёжга айланади: кўзқорачиқларимдаги сезги тўлқинлари орқали, чизиқчалар ҳарфларга, ҳарфлар сўз ва жумлаларга айланиб, ичимга оқиб кирадилар. Хазина кўмилган ертўлага қуюлаётган ойнинг ёғдуларидек, қалбимнинг қоронғи тубларига тушиб, унинг сахни ва деворларини ёритадилар. Шунда, кечилган кечинмаларим, мудраб ётган қувончу ҳасратларим уйғонадилар... Хиралашган хотирам саҳифалари тиниқлашиб, тасаввуримда ғаройиб манзаралар жонланади. Қоронғиликка кўзлари кўника бошлаган одамдек, қуршовига олаётган содиротларни илғайман. Кўнглимнинг бўшлиқлари нималар биландир тўла бошлайди ва қайсидир нодир фикр оромимни ўғирлайди.

«Ака-ука Карамазовлар», «Голем», «Уста ва Маргарита», «Какку уяси узра», «Лабиринтдаги одам», «Даҳо ва Илоҳа» ва «Виргилийнинг ўлими» рўмонлари, ана шундай ҳолатга соладиган асарлар сирасига киради. Уларни ўқиётиб, тўлқинланмаслик, қувонмаслик, ачинмаслик, сергакланмаслик, сесканмаслик, ижирғанмаслик... тўйиб-тўйиб йиғлашни, кулишни, нафас олишни... бир сўз билан айтганда, яшашни хоҳламаслик мумкин эмас. Бу ҳолат, менинг айнан уни бошимдан кечирмоқчи эканим ёки шунақа майл-эҳтиёжга эгалигим учунгина эмас, балки ўша асарларнинг таркибида, моҳияти-ифодага изн бермайдиган, тутқич бермас, муҳими, жонли ниманингдир мавжудлиги туфайли содир бўлади. Ўша нимадир, одамнинг табиатида, ўзини осмондаги қуш ёки сувдаги баликдек эркин сезади. Танқид аҳли уни долзарб муаммога, ёрқин ижод маҳсулига ёки асарнинг мазмунига йўйса, мафкурачи ғояга йўяди. Ўқувчи эса — ҳақиқатга. Уларнинг ҳар бири ўзича ҳақ. Ишонмасангиз, бирор ноёб китобни мутолаа қилинг: унинг саҳифаларида сиз ғоя, муаммо ва иқтидор аломатларининг ҳар бирига алоҳида мавжудлик имконини берадиган ва бир вақтнинг ўзида, уларни бирлаштириб, ўз таркибига оладиган ажойиб уйғунлик шоҳиди бўласиз. Ундаги беқиёслик, сеҳр-синоат, жозиба... қалбнинг бўшлиқларини ўз мавжудлиги билан тўлдириб, ўзини истифода этаётган умрга алоҳида, (хеч кимникига ўхшамайдиган) мазмун бағишлайди. Шунинг учун, қўлимга ноёб асар тегса, қувонаман. Биламанки, унда ноёблик жиҳатини таъмин этадиган Руҳ мавжуд. Асар мурожаат этаётган ҳаётнинг руҳи! Осмонда қуш, сувда балиқ ўзини қандай сезса, одамнинг табиатида ўзини шундай сезадиган жонли Руҳ!

Миллий адабиётимизда юзага келаётган замонавий асарлардан ҳам шундай руҳ излайман, уларни ўқиганда юқорида тасвирланган ҳолатга тушсам дейман. Ўқиётган китобларимда нимадир етишмаётгандек туюлади. Балки, уларда етишмаётган нарса — ноёблик, аниқроғи, ноёблик жиҳатларини таъмин этиши лозим бўлган ўша руҳдир? Ёки, уни тасвирлашда эришилмай қолаётган аниқлик? Виржиния Вулф: «Атрофга қаранг, ўзи билан қиёсланаётган ҳаётдан узоқ бўлган ҳақиқий ҳаётни кўрасиз» — деб бежиз айтмаган. Гап бу ерда, асарларда тасвирланаётган ҳодисаларнинг, ҳаётда чиндан ҳам мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида эмас, тасвирланаётган ҳаётнинг жонли ёки ўлик ҳолати, яъни асарнинг бадиий савияси ва руҳи ҳақида бораяпти. Бунақа фарқни Станиславский қойилламатиб, ердан ўсиб чиққан гул бутоғи билан устахонада тайёрланган сунъий гул орасидаги фарқ, деб атаган эди. Сунъий гул чиройли бўлиши мумкин, лекин жонли ва гўзал бўла олмайди. Жони йўқ асарнинг эса— қанчалик у чиройли ёзилмасин — маълумотлар тўлдирилган компютердан фарқи қолмайди. Шунинг учун, қўлимга ноёб асар тегса, мен уни олис йўл босиб, чашма бўйида чанқоғини босаётган йўловчидек сипқораман. Сипқораётиб, дунёнинг майда хою-ҳавасларини, турмушнинг икир-чикирларини унутаман-да, ўз қалбимга чуқурроқ назар соламан...

Бахтиёр АҲМЕДОВ

МЎЙҚАЛАМНИНГ МУМТОЗ ОҲАНГЛАРИ



«Узгалар топган нафосатни сен ўзинг учун топсанг, уни билиб қадрига етсанг, ахир, бу ҳам яратишдан кам эмаску!».

И.Гёте

Классик шоирларимиз девонларига ишланган мўъжаз рангтасвир миниатюраларини қизиқиб томоша қиламан. Бироқ миниатюраларнинг ҳам Ван Гог, Гоген, Пол Сезан каби мусаввирларнинг асарлари сингари катта ҳажмдаги ҳолатида санъат музейлари кўргазмаларини безаб туриши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман.

7 ноябр куни Республика маънавият ва маърифат маркази уюштирган Камолиддин Беҳзоднинг 540 йиллик юбилейига бағишланган «Беҳзод издошлари» рукни остида очилган мусаввир Одилбек Бобожоновнинг янги кўргазмасига кириб борар эканман, дастгоҳли рангтасвирда ишланган миниатюра асарларига кўзим тушиб, кўнглимдан шу фикрларни кечирдим.

Бугунга келиб ўлкамизда миниатюра санъатида ижод қилаётган 50 дан ортиқ мусаввир мавжуд. Улар орасида О. Бобожон яратган ўзига хос асарлар алоҳида ўрин тутади.

Одилбек Бобожоннинг илк кўргазмаси бундан 15 йил муқаддам «Илҳом» клубида очилган эди. 1987 йилда республика радиокомитети биносида очилган кўргазмасида ҳам у асосан Оврўпо дастгоҳли рангтасвир санъатида ижод қилган асарларини намойиш этди. Унда Шарқ миниатюраларига бўлган ишқ, мўъжаз асарларни дастгоҳли санъатда ифода этиш фикри қаердан пайдо бўлди?

«Яратганнинг баъзи иноятларини англаш учун гоҳо ёш ҳам рол ўйнар экан, — дейди О. Бобожон. — Барча санъаткорлар каби мусаввир ҳам тажриба ва билим пойдеворисиз асарлар яратиши мушкул».

Ҳа, Одилбек ака салкам йигирма йиллик тажрибага эга бўлган рассом. Аслида унда миниатюрага иштиёқ 1972 йилда, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг бадиий графикаси факултетини тугатмасданоқ ва кейинги халқ амалий санъати усталари билан ўтган 6 йиллик ҳамкорлиги кезларида тушган эди. Шундан буён у ўз ўйларига жавоб тополмай, изланади. Кейинчалик Оврўпонинг рангтасвир усталари Пол Сезан, Ван Гог, Гоген, Пабло Пикассо, Ренуар, Анри Матис билан танишди, кундаликларини ўқиб-ўрганди. Айниқса, XX аср рангтасвир санъатида улкан бурилиш ясаган француз мусаввири Анри Матис ижоди унинг дунёқарашларини бутунлай ўзгартириб юборди. Руҳида бир янгиланиш кечди. Матиснинг ижодидан ва кундаликларидан ўзини руҳлантирган, изланишларида туртки бўлган ҳодисаларнинг сабабларини топгандек бўлди.

Асримиз бошларида Парижда Шарқ миниатюра санъати асарлари кўргазмаларида Анри Матис Камолиддин Беҳзод суратларини кўриб, лол қолар эди. Бу ҳолни унинг ўзи кундалигида қуйидаги мазмунда қайд этган: «Бу ёрқинликлар менинг руҳиятимини остин-устун қилиб юборарди. Айниқса, Беҳзоднинг «Шайбонийхон» сурати олдидаги ҳайратларим ижодимдаги имконларни кенгайтириш учун менга меҳнатга муҳаббат бағишлади...».

Одилбек тез-тез бу сўзларни эслайди. Эслагани сайин юраги тўлқинланиб ўйлайди: «Ахир, Европа дастгоҳли санъат усталарининг ҳаммаси Беҳзод асарларидан илҳомланган-ку! Дастгоҳли рангтарсвир санъатининг илдизлари Шарқ миниатюрасига бориб тақалар экан-ку!».

Беҳзод асарларидаги фалсафий мушоҳадалар сингдириб юборилган яхлит тасвирлар, тиниқлик, ёрқин дастгоҳли рангтасвир санъатининг ривожига замин бўлганлигини англагач, у ўз изланишларида янги йўлдан борди. Мана, кўргазмага қўйилган 25 ишдан ярмиси унинг шу усулда чизган суратлари: «Ҳирот кутубхонаси», «Устоз ва шогирд», «Алишер Навоий», «Бобур», «Покланиш», «Висол»...

«Янгиланаётган турмушимизда шахс камолотига эътибор кучаяётганидан севинаман. Чунки комил иқтидорли инсонлар юртнинг, халқнинг номини жаҳонга ёяди, илғор фикр ва муносабатларни ифода этади.

Тарих бизга ҳали кўп нарсаларни ўргатади. Шу маънода буюк устод юбилейи арафасида «Камолиддин Беҳзод» албомини чиқариш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим», дейди рассом.

Кўргазмани томоша қилиб бўлгач, менда бир савол туғилди: Мусаввир Одилбек Бобожон келажакда қайси усулда ижод қилади?

Келинг, сўнги сўзни ҳам унинг ўзидан эшитинг: «Менинг бу изланишларим, аввал бошда бошлаган ижодий йўналишимдан бутунлай юз ўгиришимни талаб қилмайди. Ҳар икки усулнинг ўз нозик жиҳатлари бор.

Ҳаёт гўзаллиги чексиз. Ҳар янги иш бошлаганимда буни теранроқ ҳис этаман. Илоҳим бундан кейин ҳам иймонимиз бут қилиб, йўлимизни ёруғ қилсин. Ҳар биримизни мақсадларимиздан айирмасин. Омин!».

Бектемир ПИРНАФАСОВ

Шермурод СУБХОНОВ

ОЙНИ ҚАЙГА ЯШИРДИНГ?

Тун кезаман ёлғиз
Бошим уза кўк,
Элар қорини.
На бир шарпа тасалли,
На бир шитир таскиндир,
Кўз текканга ўхшайди
Ойга бу кеча.
Тун-қизғанчиқ малак
Ерга кўмиб қуёшни
Яширдинг айт ул
ойни қаён.

ТУН

Соат бир ва ё
икки чамамда.
Балки ораси.
Тонга етмоқ учун
Яшамоғим бор
Вақтни орқалаб
Вақт-умрим парчаси.
Қуёш, сарбоним ўзинг.
Вақт карвонини
елкамга ортгаг.



Яшайман энди бедор
Кун ўчини тундан олиб
Ўлим — сўнгги нуқтаси
Умр ҳикоясин.
Бироқ
Давом этади
Қабрлар ернинг
Нафаси холос.

***

Ҳеч нима топмадим кезиб
Ҳеч нима йўқотмадим
Севгимдан бошқа
Фақат ва фақат
Кимга насиб этди ул ой
Кимга буюрди
Елиб югурган мен
олисда қолиб
Висол ё сен сағирмидинг
ва ё мен басир.

ВИСОЛ ОҚШОМИДА

Севгимизда воқиф
неча тун
Дуоларга қўл очган ҳилол
Суюнчига ошиқади
бу оқшом.
Хабар кутган юлдузлар
томон.

***

Дўст топмадим
соямдек содиқ
Қил ўтмас ҳатто орадан
Менга ишониб
яшайди соя.
Мен эса бу юракка

***

Туш-навбатдаги ёлғон
Айтмасман сени ҳатто
сувга ҳам
Ўнгимда ухлар ул сув
париси...

***

Қойил сенга, эй
ойна, қойил
Беминнатдир суврат
чизмоғинг.
Моҳирона ўчирмоғинг
ҳам.

***

Ҳаёт, ичилмаган
маймидинг тугал
Кечолмайин баҳрингдан
буткул,
Тонгла чиқдим
қаршингда яна.

Шермурод Субҳонов ТошДУ ўзбек филологияси факултетини битириб, ҳозирги кунда Истанбул университети Турк тили ва адабиёти факултетида магистрлик таҳсилини олмоқда.